ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ КАФЕДРАСИ

ШИРИНОВА НИЛУФАР ДЖАББАРОВНА

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ГРАДУОНИМИК МУНОСАБАТЛАР

(Илмий монография)

Тошкент-2023

КВК – 81.2
Г –92

Монографияда турли тизимли тилларда градуонимик муносабатлар масаласини тиллараро умумий ва фарқли жиҳатлар асосида ёритиш орқали тил ўргатиш ва тил билимдонлиги соҳасида фойдали маълумотларни етказиш мақсад қилиб қўйилган. Градуонимия бўйича тилшуносликда мавжуд етарлича адабиётлар таҳлил қилиниб, хулосалар келтирилган. Шунингдек, мантиқий ва лисоний категорияларни беришда лисоний параллелизм, инпараллелизм, интерпараллелизм, инпараллел градуонимия, интерпараллел градуонимия ҳодисалари илк бор мазкур тадқиқотда монографик планда тадқиқ этилган. Мазкур ҳодисалар тилларда сатҳлараро реаллашишини ҳисобга олиб, типологик таҳлиллар амалга оширилган. Бундан ташқари, объектив борликда синкрет, инсоний тафаккур ва тилда эса дискрет фарқланувчи предметлик ва белги-хусусият маъноларининг ўзбек ва инглиз тилларида ажратилиш хусусиятлари инпараллел ва интерпараллел микро- ва макромайдон кўринишларида воқеланиши далилланган.

Мазкур монография филологик ва нофилологик йўналишда таълим берадиган тил ўқитувчилари, талабалар ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Жумабаева Ж.Ш. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Инглиз тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Ҳошимова С. Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори, доцент

Ражабов Н. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ширинова Нилуфар

Турли тизимли тилларда градуонимик муносабатлар/ Н.Ширинова; масъул муҳаррир филол.ф.д., проф. Ж.Жумабаева; Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети. – Тошкент: ЖХУ, 2023.– 108 б.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (Баённома 8-сон 2023 йил 6 май)

ISBN 978-9943-4816-9-5

©Ширинова Н.Д., 2023

© Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2023

Мундарижа:

Шартли қисқартмалар..... 5
Кириш……..... 6

I боб. ГРАДУОНИМИЯ – ЛИСОНИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА…….. 12
1.1. Градуонимия – илмий ҳодиса сифатида..... 12
1.2. Градуонимиянинг бошқа лисоний муносабатлар билан алоқадорлиги..... 26

II боб. ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ГРАДУОНИМИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТИЛ САТҲЛАРИДА ВОҚЕЛАНИШИ..... 46
2.1. Лисоний параллелизм ҳодисаси ҳақида..... 46
2.2. Градуал параллелизм – лисоний маъноларни фарқлаш усули сифатида..... 62
2.3. Лисоний сатҳларда параллел градуонимик муносабатлар..... 72
2.4. Лисоний маъноларнинг турли тиллар тизимида ифодаланишида интерпараллел градуонимик муносабатлар (предметлик ва белги-хусусият маънолари мисолида)..... 82

Хулоса..... 93

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 98

Иловалар..... 105-108

Шартли қисқартмалар:

БХМ – белги-хусусият маъноси
БХТ – белги-хусусият тушунчаси
ЛМГ – луғавий-маъновий гуруҳ
ЛСМ – лексик-семантик муносабатлар
ОЛМ – оламнинг лисоний манзараси
ПМ – предметлик маъноси
ПТ – предметлик тушунчаси
A – Article
Adj – Adjective(s)
AM – Attributive meaning(s)
B – backlingual
CDC – Category of Degrees
CN – Category of Number
CV – Category of Voice
F – forelingual
M – mediolingual
ON – Ordinal Numeral(s)
P/to – Particle *to*
Ph – pharyngeal
S – Stative(s)
SM – Substance meaning

Кириш

Бугунги кунда давлатимизнинг жаҳон интеграциясида ўзига хос ўрнига эга бўлиши учун янги тайёрланаётган кадрларнинг тил билимлари билан қуролланган бўлиши жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда ҳам миллий тилимизга, ҳам хорижий тилларни чуқур билишга урғу берилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тил ўргатувчиларнинг ҳамда тил ўрганувчиларнинг тил бўйича кўникмаларини оширишга эҳтиёж сезилиши табиий. Бу эса филологик ва нофилологик йўналишда тил ўргатаётган педагог-ходимларнинг ҳамда тил ўрганувчиларнинг тил саводхонлиги (Language Awareness, Language Skills)ни кучайтиришни ва бу мақсад таълим жараёнининг ҳар иккала субъекти (педагог-талаба)нинг реал тайёргарлигини интенсивлаштиришдан тортиб, таълим воситалари – дастур, дарслик, қўлланмалар ва бошқа узлуксиз воситаларнинг такомиллаштирилишини тақозо қилади. Бугун тил ўрганиш жараёни субъектлари олдига қўйилган бу мақсадлар мамлакатимизда олиб борилаётган замонавий ижтимоий-сиёсий ва маънавий ислоҳотлар, хусусан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да кўрсатилган қатор мақсадлар, жумладан, Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукаммал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, Ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат

сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, Хорижий тилларда фаолият юритаётган ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини ёритаётган оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, Етакчи давлатлар билан кенг қамровли ҳамкорликни стратегик даражага олиб чиқиш ҳамда улар билан кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни келишиш, Йирик тадбирларда (халқаро ташкилотлар доирасида ва хорижий ҳамкорлар билан шерикчилик асосида ҳамда икки томонлама ҳамкорлик даражасидаги конференция, форум, семинар ва давра суҳбатлари) минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси ҳамда умумжаҳон миқёсидаги ташаббусларини илгари суриш каби мақсадлар билан ҳамоҳангдир[1]. Бу мақсадлар, юқорида айтилганидек, тил ўқитиш жараёнини яхшилаш учун рационал ишлатилиши лозим.

Жаҳон тилшунослигида лисоний бирликларнинг ўзаро муносабати ва прагмалингвистик хусусиятлари тилшунос ва тил ўргатувчиларнинг диққат-марказида бўлаётган бир пайтда тилнинг ички моҳияти ва функцияларини умумдиалектик категориялар ва қонунлар асосида тадқиқ қилиш – муайян лисоний ҳодисаларнинг нафақат бир тил тизимида, балки қатор бир тизимли ҳамда турли тизимли тиллар силсиласида реаллашиши ҳақида аниқ хулосалар олиш учун замин бўлиши мумкин. Бу тамойил, айниқса, чоғиштирма тилшунослик йўналишидаги тадқиқотлар учун асос сифатида олинганда, замонавий фанимизда долзарб масалалар сифатида

[1]Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.; Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: O‘zbekiston, 2017.

қаралаётган – Оламнинг лисоний манзараси (Language Picture of the World, Языковая картина мира) ва унинг лисоний имкониятлар (УМИС – Умумийлик, Моҳият, Имконият, Сабаб)нинг нутқий воқеликлар (ЯҲВО – Яккалик, Ҳодиса, Воқелик, Оқибат)га айланиш жараёнидаги ўрнини аниқлаш, қолаверса, тилнинг энг юза бирликларидан лисоний онг босқичигача ўсиб борган ҳодиса ва муносабатларнинг инсоний тил (бир тизимли ёки турли тизимли тиллар) тизимида воқеланишини идрок этиш учун имкон яратиши шубҳасиздир.

Илмий тушунча ва ҳодиса сифатида дастлаб ўзбек тилшунослигида ўрганилиб, тез орада жаҳон тилшунослигида ҳам танилиб улгурган, умумдиалектик миқдор ва сифат категорияларининг ҳамда уч асосий қонун – *миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва аксинча*, *инкорни инкор* ҳамда *қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши* қонунларининг тилдаги инъикоси бўлган, *объектив борлиқ – инсоний онг – инсоний тил* парадигматик муносабатларининг бевосита реал кўриниши бўлган – **лисоний даражаланиш** ёки **градуонимия** ҳодисаси кундан-кунга жаҳон илм аҳли эътиборини тортмоқда, мазкур лингвистик ҳодисани тадқиқ этиш орқали қатор ечимталаб муаммоларнинг ечимига эришилмоқда.

Мазкур монографияда фанда лисоний бирликлараро муносабатнинг ўзига хос алоҳида бир тури сифатида ўзбек тилшунослигида ажратилган ва бугун Европа тилшунослигига ҳам кириб бораётган градуонимик муносабатлар – лисоний бирликларнинг умумий бир белгининг ошиб/камайиб бориши, белгининг миқдори/даражаси асосида зидланишлари лисоний тизимнинг барча сатҳларида – фонетикада ҳам, лексикада ҳам, морфологияда ҳам, синтаксисда ва ҳатто стилистикада ҳам

воқеланиши масаласи турли тиллар тизимида асосланган. Шу асосда градуонимия – лисоний муносабатларнинг бир тури сифатида ажратилганлиги ва унинг бошқа ЛСМлар орасида тутган ўрни муҳокамага тортилди (биринчи боб). Бунда ЛСМлардан – синонимия ва антонимия ўзига хос ўрин эгаллайди, зеро градуонимик қатор ўз моҳиятига кўра синонимия ва антонимияни ўзида мужассамлаштиради: даражаланиш қатори аъзолари ўзаро умумий (доминант) маъно асосида ривожланиб борар экан, занжирнинг икки чеккаси (қутби) зидлик (контраст)ни намоён қилади. Шунинг учун ҳам ишда мазкур икки ҳодисанинг градуонимия билан алоқадорлиги ва турли тилларда воқеланиш кўринишларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби бевосита турли тизимли тилларда градуонимик муносабатларнинг тил сатҳларида воқеланиши муаммосига бағишланган бўлиб, мазкур воқеланиш ўз моҳиятига кўра параллелизмни намоён этади. Бунда **лисоний параллелизм** тушунчаси нисбатан янги тушунча эканлиги далилланади. Бинобарин, параллелизм, асосан, аниқ фанлар (информатика ва математика) соҳаларида кузатилиб, бирдан ортиқ математик, ҳисоблаш ва мантиқий операцияларнинг бир вақтнинг ўзида, бир мақсад ва вазифага йўналтирилган ҳолда амалга оширилишидир. Филология, хусусан, тилшунослик соҳасида бу ҳодиса деярли ўрганилмаган бўлиб, асосан, адабиётшунослик: шеърият ва стилистик таҳлиллар жараёнида тадқиқ объектига айланган. Аммо соф лингвистик тадқиқотларда параллелизмга деярли муносабат билдирилмаган бўлиб, тадқиқот усули сифатида ривожлантирилмаган. Бу ишда эса параллелизм нафақат муайян лисоний маъно ва категорияларни фарқлаш усули,

балки градуонимик муносабатларнинг ўзига хос воқеланиш йўналиши сифатида намоён бўлади. Шунга боғлиқ тарзда параллелизмнинг *инпараллелизм* (бир тил доирасида реаллашадиган лингвистик муқобиллик) ва *интерпараллелизм* (бир неча тил доирасида кузатиладиган типологик эквивалентлик) ҳамда градуал параллелизмнинг ҳам *инпараллел градуонимия* (инпараллел градуал (градуонимик) муносабатлар) ва *интерпараллел градуонимия* (интерпараллел градуал (градуонимик) муносабатлар) каби турлари ажратилади ва таҳлилга тортилади. Бу эса, ишнинг ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқотлар сирасида нисбий янгилигини, тадқиқот объекти ва усулининг асосланганлигини ифодалайди.

Монографик изланишлар натижасида ўзбек ва инглиз тилларида турли тизимли тилларда градуонимик муносабатлар деярли барча лисоний сатҳларда – фонетик, лексик, грамматик, стилистик ва ҳатто паремик соҳаларда воқеланиши типологик планда намойиш этилади. Муҳими, бу фарқланиш нафақат градуал (градуонимик), балки ўзаро параллел даражаланиш алоқадорликлари сирасида реаллашиши мисоллар асосида далилланади (ишнинг учинчи боби). Мазкур фарқланишнинг янада конкретлаштирилиши ва амалий исботланиши учун ўзбек ва инглиз тилларида предметлик ва белги-хусусият маъноларини градуал параллел йўналишда **микро-** ва **макромайдонлар** кўринишида фарқлаш механизми намойиш этилади. Бунинг учун ҳам тилнинг структур сатҳлари танланиб, типологик таҳлил амалга оширилади. Мазкур юза сатҳларда субстантив ва атрибутив маъноларнинг фарқланиши қанчалик фарқли бўлмасин, ўзаро интеграл жиҳатларни –

параллелизмни ҳам намойиш этиши инпараллел ва интерпараллел градуонимик занжирлар мисолида асосланади.

Шу асосда фараз қилиш мумкинки, **градуонимик муносабатлар нафақат тилнинг юза сатҳларида, балки тилнинг ички лисоний механизмида, оламнинг лисоний манзарасини, борлиқ ҳодисаларининг лисоний таснифини бериш ва хусусан, предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш жараёнида ҳам воқеланади**. Бу таъсирни атрофлича тадқиқ этиш тил(лар) қурилишининг, у(лар)нинг турли сатҳ бирликлари орасидаги ўзаро муносабатларнинг замирида, ботинида ётган ҳодисаларни очиш ва идрок этишга, лисоний механизм моҳиятига чуқурроқ шўнғишга имкон беради.

I БОБ. ГРАДУОНИМИЯ – ЛИСОНИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

1.1. Градуонимия – илмий ҳодиса сифатида

Ҳозиргача мавжуд изланишлардан маълумки, тилшуносликда лексик ёки семантик майдон (ўзаро муносабатларни кўрсатувчи системага солинган маънодош сўз ва иборалар йиғиндиси) масаласи жаҳон лингвистикаси, хусусан, ўзбек тилшунослигида С.Ибрагимов, С.А.Азизов, М.Асамутдинова, Д.Х.Базарова, Х.Ж.Бакаева, Э.Бегматов, М.Буранов, Ҳ.А.Дадабоев, Р.Дониёров, Х.Жамолхонов, Ш.Искандарова, А.Журабаев, И.А.Исмоилов, Ю.Ишанкулов, Т.Ходжамбердиев ва бошқаларнинг қатор ишларида тадқиқ манбаи бўлди[2]. Жумладан, Ш.Искандарова илмий ишида шахс микромайдони мисолида семантик майдонга мурожаат қилди ва унинг тамойиллари, майдон бирликлари ўртасидаги поғонали (иерархик) муносабат, майдон ва унга ёндош ҳодисаларнинг умумий ҳамда фарқли томонларини очиб берди[3].

Аслида сўзлараро муносабатларни, уларнинг бир-бирига қай даражада алоқадорлигини ўрганиш, лексемаларни маъно жиҳатидан турларга, гуруҳларга ажратиш лексик семантиканинг асосий вазифаси бўлиб, лексик муносабатларга гипонимия, омонимия, полисемия, синонимия, антонимия ва бошқалар мисол бўла олади. Бинобарин, юқорида тилга олинган барча семантик категориялар, хусусан, синонимия ва

[2]Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол.фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – Б. 3.
[3]Шу автореферат. – Б. 49.

антонимияга бағишланган ишлар жаҳон тилшунослигида жуда кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, мазкур лексик муносабатларнинг ўзаро қиёсига алоқадор илмий тадқиқотлар ҳам мавжуд[4]. Шундай бўлса-да, ўзбек тилшунослигида “нафақат тилнинг юза сатҳларида, балки лисоний онг сатҳида” ўрганишга ҳаракат қилинган[5] бир пайтда **градуонимия** ҳодисаси ҳали инглиз тилшунослигида тадқиқ этилмаганлигининг гувоҳи бўламиз[6]. Шунинг учун ҳам ушбу ишимизда даражаланиш ҳодисасининг тиллар тизимида, хусусан, инглиз тилида турли лисоний муносабатлар сирасида воқеланиш тарзига эътибор қаратмоқчимиз.

Маълумки, даража маъносини ифодаловчи воситалар А.Н.Кононов, Т.И.Трунина, С.Н.Иванов, А.Ғ.Ғуломов, М.А.Асқарова, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов ва уларнинг издошлари; сифат ва унинг даража категорияси эса З.Маъруфов, И.Мадраҳимов, И.Ҳамдамова, М.Содиқова, С.Ғиёсов, М.Қўлдошев, Ким Бьёнг Иль каби тилшунослар тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Ўзбек тилшунослигида даража маъносининг ифодаланиши даража билдирувчи лексемалар, даража морфологик категорияси, даража-миқдор ҳоли мисолида турли томондан алоҳида тарзда, шунингдек, даража тушунчаси умумий категория, лисоний ҳодиса

---

[4]Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Ташкент., 1973. – 16 с.; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Ташкент., 1974. – 26 с.; Сайфуллаева Р.Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1982. – 23 с.; Сиддикова И.А. Синонимия как микросистема языка. Монография. – Ташкент, 2008. – 138 б.

[5]Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол.фан.номз. .... дисс.автореф. – Тошкент: 2010. – 7-б.

[6]Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2017. – Б. 67.

сифатида ўзбек тилшунослари О.Бозоров, Ш.Орифжонова кабиларнинг илмий ишларида ўрганилган[7]. Н.Д.Ширинованинг номзодлик диссертациясида эса предметлик ва белги-хусусият маъноларини борлиқ – инсоний тафаккур – тил занжиридан тортиб, тилнинг юза сатҳлари – оламнинг лисоний манзараси – лисоний онг йўналишида айнан градуал кўринишларда фарқлаш мумкинлиги мисолида "даражаланиш ҳодисаси нафақат тилнинг юза сатҳ бирликлари доирасида, балки лисоний онг, тилнинг ички механизмига ҳам хос эканлиги" ҳақидаги илмий фараз ўртага қўйилди[8].

Ўзбек тилида турли воситалар ёрдамида ҳар хил кўринишларда ифодаланадиган даражаланиш ҳодисаси яхлит бир функционал-семантик майдон сифатида ҳам ўрганилган[9]. Ўзбек тилшунослигида илк бор тадқиқ этилган градуонимиянинг *градация* (стилистик термин сифатида), *graduierung* (немис тилида), *gradation* (инглиз тилида) каби терминлардан тубдан фарқ қилишини таъкидлаш зарур. Градация атамасига ўзбек тилида шундай таъриф берилади: "Градация (кучайтириш). Бу – ифодалиликни бирин-кетин кучайтириб ёки пасайтириб бориш усули. Агар ифодалилик бирин-кетин кучайтириб борилса, климанс (аслида

[7]Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол.фан. д-ри ... дисс.автореф. – Тошкент, 1999. – Б.3.; Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Ташкент., 1973. – 16 с.; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Ташкент, 1974. – 26 с.; Сайфуллаева Р.Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1982. – 23 с.; Сиддикова И.А. Синонимия как микросистема языка. Монография. – Ташкент, 2008. – 138 б.

[8]Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 7.

[9]Элмуродова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони): Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 25 с.

О.С.Ахмановнинг “Словарь лингвистических терминов” китобининг 112-бетида *климанс* эмас, *климакс* ва *антиклимакс* тарзида берилган. – Ж.Ш.Джумабаева шарҳи[10]), пасайтириб борилса, *антиклиманс* дейилади. Бунда ифодалиликнинг метафора, эпитет, синонимия каби воситаларидан фойдаланилади. Градация гап, гап бўлаги шаклида бўлади[11]”.

Рус тилида *градация* тушунчасига муносабатни О.С.Ахмановнинг “Словарь лингвистических терминов” китобида келтирилган: “*Градация англ. gradation, фр. gradation. Обобщенное название, объединяющее климакс и антиклимакс. Градация восходящая. То же, что климакс. Градация нисходящая. То же, что антиклимакс*[12]” деган таърифдан ҳам билиб олиш мумкин.

Инглиз тилида ҳам *gradation* (градация) тушунчаси мавжуд қомусий манбаларда: “*gradation* noun. *1. one of the steps in a series showing how one thing slowly becomes something else, for example how something becomes more or less heavy, serious, or bright: subtle gradations of colour 2. a mark on something used for measuring, for example one of the marks showing the temperature on a THERMOMETER*[13]”(яъни “бир нарсанинг аста-секин бошқа нарсага айланишини кўрсатадиган кетма-кет босқичлардан бири, масалан, бирор нарса қандай қилиб кўпроқ ёки камроқ оғир, жиддий ёки ёркин бўлиб кетиши: рангнинг нозик градациялари 2. Ўлчаш учун нарсанинг белгиси,

[10]Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2017. – Б. 85.

[11]Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 234.

[12]Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Издательство “Советская энциклопедия”, – 1966. – С. 112.

[13]Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. – UK, 2006. – P. 617.

масалан, термометрдаги ҳароратни кўрсатадиган белгилар) сифатида изоҳланган.

Француз тилида: "*gradation* nf. Angmentation on diminution progressive et par degrés[14]", яъни "даражалар бўйича камайиб борувчи бурчак" сифатида изоҳланади. Албатта, бу каби таърифлар моҳиятан градуонимия ҳодисасига бериладиган изоҳлардан анча фарқ қилади, бинобарин, стилистик градация атамаси остида битта матн ичида ишлатиладиган ибора, метафора, метонимик кўчма маъноларнинг кучайиб/пасайиб бориши кузатилса, градуонимияда, умуман, сўзларнинг денотатив даражаланиш асосидаги жойлашуви тушунилади[15]. Шу ўринда О.Бозоровнинг даражаланишнинг барча лисоний сатҳларда, яъни тилнинг фонетик, морфологик, синтактик ва стилистик каби аспектларида ҳам реаллашишини ўз ичига олган тадқиқотларини эслаш муҳим[16].

Баъзан градуонимия атамасини *интенсификация* билан ҳам тенглаштириш ҳоллари ҳам учрайди. Жумладан, рус тилшунослигида интенсификация С.С.Сафонова, И.И.Сущинский, Е.И.Шейгаль[17] каби тилшунослар томонидан махсус ўрганилган бўлса, инглиз тилшунослигида бу соҳада Д.Болингер[18] махсус тадқиқот ишларини олиб борган. Лингвистик тадқиқотларда Ш.Баллининг "маълум бир предмет

[14]Dictionnaires Le Robert Sejer, Paris. 2008. P. 343.

[15]Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Т.: "Мумтоз сўз", 2017. – Б. 68.

[16]Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Тошкент, 1995. – 131 б.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол.ф.д. ... дисс.автореф. – Тошкент, 1997. – 51 б.

[17]Сафонова С.С. Местоименно-союзные предложения с семантикой интенсивности в языке современной прессы: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Казань, 2002. – 27 с.; Сущинский И.И. Словарь усилительных словосочетаний русского и немецкого языков. – М., 1997 – С. 384.; Шейгаль Е.И. Интенсивность как компонент семантики слова в современном английском языке. Дисс. … канд.филол.наук. – М., 1981. – 156 с.

[18]Bolinger D. Degree words. – Paris: Lions, 1972. – 324 p.

ёки ҳодиса, мавҳум тушунчалар ҳақида сўз боришидан қатъи назар, улардаги миқдор, ҳажм, қадрият, куч ва шунга ўхшаш категориялар фарқларини интенсификация деб атай оламиз”[19] деган фикрига қўшилган ҳолда интенсификацияни белгининг миқдорий ўзгариши, матндаги категориянинг кучайтирилган ҳолда берилиши дея таърифлаш мумкин. Мисол учун, рус тилшунослигида миқдор маркерларидан бири бўлган *очень* – универсал тил бирликлари маркерлари сифатидаги *слишком*, *чересчур*, *больше* кабиларга қарама-қарши қўйилади[20]. С.Е.Родионова ҳамда И.И.Шейгаль интенсивликни миқдор ва сифат категориялари билан боғлайди, хусусан, И.И.Шейгаль интенсивликни миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришига айланиш категорияси деб ҳисоблайди[21]. Гарчи бу ерда ҳам лисоний эмас, нутқий даражаланиш назарда тутилган бўлса-да, мазкур тамойил жиҳатдан у лисоний градуонимия муаммосига анча яқинлашади. Зеро агар у (даражаланиш) тилда бўлса, интенсивлик эмас, балки градуонимиядир.

Шундай бўлса-да, рус тилшунослигида градуальность сифатида талқин қилинган бу ҳодисани ўзбек тилшунослигида ривожлантирилган градуонимия ҳодисаси билан айнан бир хил дейиш тўғри бўлмайди. Чунончи, С.М.Колесникова ҳам нутқдаги сифатларнинг градация шкаласи белгиларини нолдан бошлаб тартиблашни *градуирование* ёки *градуальность*[22] деб атаган. Аслида бунда сифатнинг даражаланувчи белгиларини

[19]Балли Ш. Французская стилистика./перевод с французского К.А.Долинина. под.ред. Е.Г.Эткинда. – М., 1961. – Б. 202.

[20]Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2017. – Б. 68.

[21]Шейгаль Е.И. Интенсивность как компонент семантики слова в современном английском языке. Дисс. … канд.филол.наук. – М., 1981. – 156 с.

[22] Колесникова С.М. Семантика градуальности и способы ее выражения в современном русском языке. – М., 1998. – С. 17.

(миқдорий ва сифатий жиҳатдан ривожланишига қараб) бир қаторга тизиш асосида эмас, балки прагматик аспектда, кучайиш рўй бераётган контекстда субъектив омил асосида сифат ўзгаришларини ўз ичига олувчи интенсивлик категорияси назарда тутилмоқда. Масалан, *холодный→ прохладный→теплый→горячий* сўзлари қатори олинадиган бўлса, бу ерда интенсивлик ҳақида гапириш ноўрин, чунки бунда контекст мавжуд эмас. Интенсивлик конкретизация (аниқлик) ва объективлик ҳолатининг даражасига кўра юқорида келтирилган бошқа категориялардан фарқланиб туради.

Градуонимик қаторга маъносидаги денотати таянч фарқловчи нуқта асосида ўзгарувчи (камдан кўпга, секиндан тезга (ёки аксинча), нейтралликдан бўёқдорликка (ёки аксинча), салбийдан ижобийга (ёки аксинча) қараб борадиган барча лексемаларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, интенсивликда турли коннотатив бўёқдор сўз ва иборалар интенсивлик (кучлилик) маъносини берувчи элементлар билан ишлатилса (*данғиллама қаср, мисли йўқ қаср, тенгсиз қаср*), градуонимия (даражаланиш)да эса реал кучайиш/камайиш белгилари билан фарқланувчи сўзлар қатнашади: *уй→сарой→ кошона→қаср* – ҳашамига кўра градуонимик қатор ҳисобланади.

Т.В.Матвеева эса, интенсивлик термини ўрнига *чрезмерность* терминини киритишни таклиф этади[23]. *Чрезмерность* сўзининг ўзи семантик-фунционал жиҳатдан кучайиш/пасайишни назарда тутса-да, бунда *чрезмерность*, *чересчур* сўзлари кўп ҳолларда салбий маънода кўпроқ

[23]Матвеева Т.В. Лексическая экспрессивность в языке. – Свердловск, 1986. – 92 с.

қўлланилади. Шу боис бу термин интенсивлик билан айнан эмас деган фикрдамиз.

Интенсивлик категорияси когнитив лингвистика доирасида “релевантлик”, “кўчиш, тезлашиш” каби тушунчалар орқали англаниши мумкин. Интенсивлик мавжуд бўлган жараёнда яққол кўринадиган градуонимиянинг барча турлари бўлиши ҳам мумкин. Масалан: – *Кўчада кучли ёмғир ёғяпти. Қара, у янада кучайди. Сел. – Селнинг қуйишини қара, бундай кучли жала қуйганда уйда ўтириш керак* (“Садо” газетасидан) [24].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, интенсивликни гиперболадан ҳам фарқлаш муҳим. Эмфатик характер берувчи, ифодалиликни кучайтирувчи, мазмунни бойитувчи гиперболизация нореал кучайтириш хусусиятига эга. “Ўзбек тили стилистикаси” китобида муболаға, яъни гиперболага шундай таъриф берилади: “Муболаға – *гипербола* грекча hyperbole сўзидан олинган бўлиб, бўрттириш, орттириб кўрсатиш маъносини билдиради[25]”. Бу ҳам битта сема асосида эмас, балки бирор-бир контекстда бўрттириш, нореал бўрттириш демакдир. Муболаға кўпинча турғун бирикмада мавжуд бўлади. Масалан: *дўпписини олиб кел деса, бошини олиб келади; ур деса, кўзини чиқаради; овозинг етти маҳаллага эшитиляпти* каби. Интенсивлик ва градуонимия ҳақида гапирганда, албатта, экспрессивлик хусусида тўхталиш муҳим. Экспрессивлик матнга бўёқ, кучлироқ маъно бериш ва муаллиф муносабатини тўла акс эттириш учун ишлатиладиган сўзлар ёрдамида амалга оширилар экан, градуонимик қаторларни тузишда баъзи бир сўзларни бўёқдорлигига кўра

[24]Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2017. – Б. 68.

[25]Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 244 б.

даражалаш ҳам мумкин бўлади ва бу коннотация ингерент хусусияти билан ажралиб туради. Интенсивликда эса битта матн ичида бирор-бир лексеманинг бир неча марта турли шаклда, яъни оддий, нейтрал, китобий ва экспрессив бўёқдор шаклларда ишлатилиши кузатилади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, градуонимия, градация ва шулар қаторида интенсивлик, муболаға, яъни гиперболанинг бир-биридан фарқини тўлиқ ажратиш учун, аввалambор, ўзбек тилшунослигида градуонимияга бағишланган ишлар билан танишиш ва, қолаверса, рус, инглиз ва бошқа Европа тилларида тадқиқ этилган интенсивлик, градация каби категорияларни синчиклаб ўрганиш зарур. Ўзбек тилшунослигида эса, ҳозирги кунгача *интенсивлик* ўрганилмаган ва стилистикада *градация*га бағишланган ишлар жуда кам. Шунинг учун бўлса керак, рус тилшунослигидаги *градация* ва ўзбек тилшунослигидаги *градуонимия*ни бир хил талқин этиш ҳоллари учрайди. Тилшуносликда тадқиқ этиб келинган ва тадқиқот объекти сифатида ҳанузгача долзарб мавзулардан бири бўлган градуаллик ва градуонимия масалаларига ҳам эътиборимизни қаратиб, баъзи бир мулоҳазаларимизни баён қиламиз. Бундан асосий мақсад рус тилшунослари тадқиқ қилаётган *градуальность*, ўзбек тилшунослигидаги *градуонимия* (даражаланиш)ларнинг фарқини очиб беришдир. Градуальность ёки градуированиега баъзи бир тадқиқот ишларида категория сифатида қаралса, стилистик, бадиий асар тили таҳлили нуқтаи назардан тадқиқ этилган ишларда **усул** (приём)[26] сифатида ёндашилганлигини кузатишимиз мумкин. Аммо рус тилшунослигида тадқиқ

[26]Тарланов З. Заметки об идиостиле Н.С.Лескова//Южнословенски филолог LXIV 2008 – С. 488.

этилаётган градуированиеда ҳам даражаланиш ҳодисасида мужассам бўлган барча белгилар мавжудлигини инкор этиш мумкин эмас, албатта. Шу билан бирга ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилган лексик градуонимия ундан анча фарқ қилишини қуйидаги фикрлар орқали очиб беришни лозим топдик.

Жаҳон тилшунослигида, хусусан, рус тилшунослигида даражаланиш ҳодисасига алоқадор ишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур илмий муаммо ўзбек тилшунослигида тил сатҳлари (ва ҳатто, лисоний онг босқичи)да кўрилса, рус тилшунослигида бу нутқ мисолида тадқиқ этилади. Бу масала бўйича С.А.Тихомиров, Г.В.Киреева, С.М.Колесникова, С.С.Кадысеваларнинг ишларини келтириш мумкин[27]. Бинобарин, **градуатор** атамаси фақат рус тилшунослигида қўлланилган. Хусусан, С.М.Колесникова ва издошларининг тадқиқотларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг ишларида градуалликка доир бир қанча терминлар қўлланганини кўришимиз мумкин, жумладан, **градуатор**, **градосема**, **градационная шкала**[28] ва ҳоказо. Ушбу терминларга тўхталишдан олдин рус тилшуносларининг градуаллик ҳақидаги таърифини кўриб чиқамиз: *“Результаты фактологического анализа говорят о том, что, как правило, градуированию подвергаются физиологические и психические*

[27]Колесникова С.М. Семантика градуальности и способы ее выражения в современном русском языке. – М., 1998. – 180 с.; Тихомиров С.А. Гипербола в градуальном аспекте Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – М., 2006. – 27 с.; Киреева Г.В. Междометие как показатель градуальности в современном русском языке: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – М., 2010. – 20 с.; Кадысева С.С. Категория интенсивности в системе функционально-семантических, функционально-стилистических категорий//Известия Самарского научного центра Российской академии наук. – Ташкент, 2010. – №5. – С. 196-199.

[28]Колесникова С.М. Семантика градуальности и способы ее выражения в современном русском языке. – М., 1998. – 180 с.

состояния субъекта, его параметрические и оценочные характеристики, также градуируются временные характеристики и степень результативности какого-либо процесса. Понятие градуальности отражает способность человеческого сознания градуировать различные величины. Существование в языке специальных средств, выражающих градуирование, свидетельствует о значимости данного понятия в лингвистике[29]*”*. Бу таърифдан кўриниб турибдики, унда тилдаги лексемалар, яъни от, сифат, олмош, равиш ёки феъл сўз туркумларига хос даражаланиш ҳақида эмас, балки нутқдаги даражаланиш хусусида сўз бормоқда. Шу сабабдан градуирование ҳодисасини тадқиқ этган рус тилшунос олимлари градуаллик даражасига олиб чиқувчи сўзларни “градуаторлар” деб аташган.

Алоҳида эътироф этиш мумкинки, И.В.Назарова градуаллик масаласида ҳанузгача бир тўхтамга келинмаганлигини таъкидласа-да, градуалликка эришишдаги икки хил йўл хусусида фикр билдиради: **эксплицит воситалар** ҳамда **имплицит воситалар**. *Эксплицит* воситаларга лексик бирликнинг ташқи томонига алоқадор миқдорий ва сифатий белгилар тушунилса, *имплицит* воситаларга лексик бирлик семантикасида фақат квантитатив (миқдорий) белгиларнинг мавжудлиги деб берилади: *“Однако наряду с эксплицитными средствами выражения категории градуальности существуют и имплицитные, которые предполагают наличие в семантике единицы указания на количественное проявление признака (М.В.Бондаренко,*

[29]Назарова И.В. Роль наречий-градуаторов в английском языке. // Вопросы современной науки и практики. – №1(11) – 2008. – 205 с.

С.М.Колесникова, Н.Д.Федяева)[30]*”.* Фикримизча, бу ўринда нафақат миқдорий, балки сифат ўзгаришларига ҳам эътиборни қаратиш лозим, чунки миқдор ўзгаришлари бора-бора сифат ўзгаришларига ўтиши фанда маълум[31]. Бироқ у олимлар ўртасида эксплицит воситаларни номлашда якдиллик йўқлигини, *спецификатор* (Н.Хомский), *квалификатор*, *градатор* (А.Э.Левицкий), *интенсификатор* (И.И.Туранский, К.М.Суворина) каби қатор атамалар мавжудлигини, уларнинг барчасини умумлаштирувчи битта атамани қўллаш бўйича тугал бир тўхтамга келинмаганлигини уқтиради[32]. Муаллиф инглиз тили билан боғлиқ изланишлар қилар экан, градуаллик категориясининг ифода воситаси сифатида *равиш-градуаторлар*га қуйидагиларни мисол қилиб келтиради: *absolutely, just, barely, completely, directly, exactly, extensively, hardly, perfectly, slightly, thoroughly.* И.В.Назарова мазкур равиш-градуаторларнинг синтактик бирлик бўлмиш сўз бирикмаси таркибида ишлатилганда юқори ёки қуйи даражада ишлатилишига кўра бир неча гуруҳга ажратади ҳамда уларни мисоллар асосида асослайди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида эътироф этиш лозимки, мисолларда келтирилган равишлар ҳар доим ҳам олима кўрсатган даражани бера олиши ҳақида тугал фикр билдириб бўлмайди, чунки матн яратиш жараёнида муаллиф тил бирликларидан, хусусан, равишлардан индивидуал (ўзига хос) тарзда фойдаланади, шу боисдан бу бирликларнинг контекстуал маъноси лексик семасидан

[30]Ўша ерда.

[31]Хайдаров И.М. Особенности действия закона взаимоперехода количественных и качественных изменений в современных условиях: Дисс. ... канд.философ.наук. – Т., 1971. – 130 с.

[32]Назарова И.В. Роль наречий-градуаторов в английском языке. // Вопросы современной науки и практики. – №1(11) – 2008. – 205 с.

фарқланиши мумкин (окказионал равишда улар англатган маъно ва мазмун нисбий бўлиши мумкин). Бундан ташқари, И.Назарова томонидан инглиз тилидаги *enough* бирлигига ҳам эксплицит восита сифатида қаралганини кўрамиз: *But to my way of thinking, to actually get to sleep you'd have to know that the next day would be hot as well, and the one after that, and that* ***enough*** *hot days lay in store in your lifetime to do all conceivable hot-day activities in a calm and measured manner with no sense of urgency whatsoever* (H.Fillding[33]). Фикримизча, унда *hot* сўзининг юқори ёки паст даражаси намоён бўлмаган, балки *days* сўзининг миқдорий белгисига (ўз навбатида, *days* сўзини аниқлаб келаётган *hot* сememасининг миқдорий белгисига) ишора мавжуд.

Рус тилшунослигида тадқиқ этилган градуальность баъзи ҳолларда интенсификация билан чалкаштирилса, баъзи ҳолларда унинг стилистик восита бўлган градация билан ҳам ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги эътироф этилмоқда. Аммо ўзбек тилшунослигида ўрганилгани каби лисоний градуонимия, хусусан, лексик градуонимия интенсификация, градуаллик ва/ёки градациядан ҳам лингвистик, ҳам прагматик-функционал жиҳатдан тубдан фарқ қилишини юқорида келтирилган таҳлиллар орқали асослаш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилган лисоний даражаланиш (градуонимия) ҳодисаси, сўзнинг луғавий маъносидан келиб чиқиб, имплицит, яъни лисоний бирлик ички томонининг миқдорий ва сифатий ўзгаришлари белгилари орқали намоён бўлади, дейиш мақсадга мувофиқ бўлади. Градуонимия илмий ҳодисасига

[33]Назарова И.В. Роль наречий-градуатров в английском языке. // Вопросы современной науки и практики. – №1(11) – 2008. – 205 с.

асос солган ва унинг алоҳида феномен даражасида ривожланиши, ёйилиши учун сабабчи бўлган олимлар таъбири билан айтганда:*“Лисоний бирликларнинг семантикасида, яъни бошқа лингвистик воситаларсиз маълум бир белгининг ўсиб/камайиб боришига кўра ўзаро зидланишини (яъни сифат ва миқдорий белгиларнинг ўсиши/камайишини) акс эттирган градуонимия атамаси ўзбек тилшунослигида лисоний маъновий муносабатни акс эттирувчи синонимия, омонимия, антонимия кабиларнинг умумий таркибий қисми бўлган -онимия қисмини лотинча gradu (“даража”, “босқич”) сўзи билан бириктириш асосида сунъий равишда ясалди[34]”.* Бу таъриф, ўз-ўзидан, мазкур ҳодисанинг граудирование, градуальность категорияларидан фарқланишини яққолроқ кўрсатишга хизмат қилади.

Лисоний даражаланиш ҳодисасини янада аниқроқ тушуниш учун қуйида градуонимиянинг бошқа лексик-семантик муносабатлар (ЛСМлар) ичида тутган ўрни масаласи билан танишишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

[34]Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Ташкент, 1989. – №6 – Б. 37.

1.2. Градуонимиянинг бошқа лисоний муносабатлар билан алоқадорлиги

Лисоний даражаланиш ўз табиатига кўра:

1) миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши;

2) инкорни инкор;

3) қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши

диалектик қонунларининг биргаликда, бир ҳодисада бевосита воқеланишидир. Жумладан:

1) биринчи қонун – градуонимик қаторда айни бир белги турининг миқдори, салмоғи узлуксиз даражаланиб бориши оқибатида бир сифат тури иккинчисига, иккинчиси кейингисига босқичма-босқич, даражама-даража ўзгариб бораверишида;

2) иккинчи қонун – даражаланиш қаторининг икки чекка учи маълум бир белгининг тасдиқи билан бирга бир-бирини инкор этишида;

3) учинчи қонун – бир-бирини инкор этувчи, зидлик, антонимлик муносабатида турган сўзларнинг бир етакчи сўз атрофида бирлашиб, бир маъновий қаторни – даражаланиш, градуонимик сирани ташкил этишида намоён бўлади.

Градуонимия ҳодисасини ўрганиш тилшуносликда энди бошланмоқда, лекин табиат ва жамиятнинг асосий ривожланиш қонунияти бўлган ва унинг чексиз ҳодисаларида ўз аксини топадиган миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга ўтиши қонуни тилда ўз аксини топмай ва тилшуносликда у ёки бу тарзда қайд қилинмай қола олмас эди[35]. Жумладан, О.Есперсен ўзининг «Грамматика

[35]Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: Фан, 1995. – Б.36.

фалсафаси» асарида[36] борлиқда ўзаро фарқланган предметликларнинг тилда даражаланган кўринишларда намоён бўлишини кўрсатиб ўтса, С.Д.Кацнельсон икки зид ҳодиса, воқеликнинг ўртасида ҳамиша оралиқ учинчи ҳодисанинг мавжуд бўлишини (масалан, «яхши» ва «ёмон» тушунча ёки баҳо орасида яна кўплаб белги, баҳолар бўлиши мумкинлигини) қайд этади[37].

Борлиқдаги белгилар асосидаги даражаланишнинг моҳияти шундаки, нарса белги-хусусиятларида сифатий ҳамда миқдорий муайянлик мужассамлашган бўлади. Масалан, инсон *гўдаклик, ёшлик, навқиронлик, етуклик, қарилик* ҳолатларини, ўсимлик *навниҳоллик, кўчатлик, етилганлик, қуриганлик* даврларини бошидан кечиради – у (организм) ўсади, ўзгаради. Табиатдаги ранг ва белгилар шунчалик хилма-хилки[38], улар ўз-ўзидан даражаланиш занжирларини намоён этади – масалан, бўёқчилар биргина қора рангнинг очдан тўққа боришида ўндан ортиқроқ турини ажратадилар ва уни даражалайдилар.

Лисоний даражаланиш миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунини акс эттирар экан, ўзига хос лисоний ва нутқий белгиларга эга бўлади. О.Бозоровнинг таъкидлашича, «бунда баъзи ҳолларда маълум белгига хос бўлган миқдор ўзгаришлари янги сифат ҳосил бўлишига олиб келмаслиги, бошқача қилиб айтганда, миқдорий ўзгариш бир сифат доирасида юз бериши мумкин. Масалан, товушларнинг

[36]Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – 404 с.

[37]Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – С. 81-83.

[38]O‘zbek tilining so`zlar darajalanishi o`quv lug`ati (Maktab o‘quvchilari uchun). – T.: «Yangi asr avlodi», 2007. – Б. 6.

чўзиқ-қисқалиги, қаттиқ-юмшоқлиги, аслий сифат белгиларининг озайиш-кучайиш ҳолатлари, луғавий бирликлар маъно ҳажмларининг торлиги-кенглиги кабилар шулар жумласидандир[39]». Баъзан эса бир белги турининг миқдори, салмоғи изчил ёки узлуксиз даражаланиб бориши оқибатида бир сифат тури иккинчисига, иккинчиси кейингисига босқичма-босқич, даражама-даража ўзгариб бораверади, шу йўл билан сифат ўзгаришлари занжири, сираси ҳосил бўлади[40]. Масалан, *қадимги → ўрта → янги (давр); чақалоқ → гўдак → бола → ўсмир → йигит → чол → қария* градуонимик қаторида миқдорий ўзгаришлар сифат босқичигача боради (1-илова).

Тилшуносликда градуонимиянинг синонимия, антонимия, гипонимия, меронимия (партонимия, холонимия), плесионимия каби кўплаб маъновий муносабатлар билан боғланиши таъкидланади. Шундай бўлса-да, даражаланиш занжири ўз моҳиятига кўра синонимия ва антонимияни бирлаштирувчи ҳодиса сифатида гавдаланади: градуонимик қатор аъзолари синонимияни намоён этса, қаторнинг икки учи ўзаро зидланиш (антонимия)ни ифодалайди. Шунинг учун ҳам турли тизимли тилларда градуонимик муносабатлар ҳақида гапирганда, синонимия ва антонимия билан алоқадорлиги бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

[39]Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: Фан, 1995. – 44 б.

[40]Неъматов Ҳ. Градуонимия ёхуд Шайх Кароматулла Бухорий каромати//«Бухоронома» газетаси. – Бухоро, 2008 й., 9 январь, – №3.

1.2.1. Градуонимия ва синонимия. Тил ҳақидаги фан қанчалик қадим тарихга эга бўлмасин (тилни ўрганиш Арасту даврига бориб тақалишини инобатга олсак), синонимия (ва антонимия) ҳодисасининг тадқиқи ҳам шунчалик узоқ даврга бориб тақалади. Бу, албатта, инсонларнинг илк гносеологик фаолияти маҳсули сифатида ўзаро ўхшаш (ва фарқли) бўлган реал ва нореал нарса, ҳодиса (ва уларнинг белги-хусусиятлари), ҳаракат (ва уларнинг ҳолатлари) каби борлиқ жараёнларини англай/фарқлай/ажрата бошлаганлари билан боғлиқ. Эътироф этиш жоизки, маънодошлик (синонимия) нафақат лексик, балки лисоний ҳодиса сифатида жаҳон тилшунослигида (Л.Мёрфи, П.Эдмондс ва Г.Хирст, С.Фельбаум, Д.Круз[41], Р.Сайфуллаева, И.Сиддикова, Р.Юнусов[42] каби) анча изчил тадқиқ этилгани, нафақат босма, балки онлайн синонимик луғатлар ҳам яратилгани[43], шунингдек, WordNetда синонимларни жойлаштириш бўйича анча ишлар амалга оширилаётганига қарамай, унинг лисоний

[41]Murphy M.L. Semantic relations and lexicon//CUP. 2003. Synonymy. ELL. P.376-378; Edmonds P & Hirst G. Near-synonymy and lexical choice//Computational Linguistics, 2002, MIT Press. № 28 – P. 105-144.; Fellbaum C. WordNet: An electronic lexical database. – Cambridge, MA: MIT Press, 1998. – 423 p.; Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge University Press, 1986. – P. 88.

[42]Сайфуллаева Р.Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1982. – 23 с.; Сиддикова И.А. Синонимия как микросистема языка. Монография. – Ташкент, 2008. – 138 б.; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Ташкент, 1974. – 26 с.

[43]Webster’s New Dictionary of Synonyms. – Massachusets, 1984; Апресян Ю.Д., Ботякова В.В., Латышева Т.Э. и др. Англо-русский синонимический словарь. – М., 2000. – 544 с.; Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т., 1974. – 308 б.; Ушакова О.Д. Синонимы и антонимы: Словарь школьника. – М., 2008. – 96 с.; Жуков В.П. Словарь фразеологических синонимов русского языка. – М., 1987; Каргаева Т.А., Мисикова Б.Г., Таучелова Р.И., Цопанова Р.Г. Школьный русско-осетинский словарь синонимов. – Северная Осетия, 2003. – 164 с.; Гаврилова А.Н. Словарь синонимов и антонимов современного русского языка. – М., 2013.

даражаланиш муносабати билан алоқадорлиги, ўхшаш ва фарқли томонлари борасида, афсуски, етарлича тадқиқотлар амалга оширилган деёлмаймиз. Чунончи, бу борада Ҳ.Неъматов, О.Бозоров, Ж.Жумабаева томонидан олиб борилган изланишларни мисол келтириш мумкин. Градуонимия ва синонимия ҳодисаларининг ўзаро муносабати ҳақида О.Бозоров ўз илмий ишида айрим маълумотларни беради, жумладан у В.Г.Павловнинг фикрини қувватлаб, қуйидагича ёзади: *“Градуонимия ва синонимия ҳодисалари ўзларининг асос белгиларига кўра кескин фарқланадилар. Зеро синонимия икки ва ундан ортиқ лексема ва фраземалар семемаларининг айнанлигига асосланса, градуонимия семемалар асосий семалардаги градацияли фарқланувчига таянади. Бундан синонимларда асосий маъноларнинг тенглиги, градуонимияда эса тенг эмаслиги маълум бўлади*[44]*”.*

Айнан мана шу таъриф аслида синонимиядан ўсиб чиққан, таъбир жоиз бўлса, синонимия ва антонимиянинг ўзаро ҳамкорлигини намойиш этадиган лисоний даражаланиш ҳодисасига берилган энг сара изоҳ бўлиб, градуал муносабатларни алоҳида тил ҳодисаси сифатида тадқиқ ва таҳлил этишга йўл очади. Бундан ташқари, ҳар бир тилда, жумладан, ўзбек тилида корпус лингвистикасини ривожлантириш мақсадида синонимларнинг градуонимлардан фарқи ва ўзаро алоқадорлигини ўрганиш муҳимлиги кундан-кунга аёнлашиб бормоқда.

Аввалабор, турли тилларда олиб борилган синонимлар таҳлилида уларнинг соф синонимлар, квазисинонимлар, контекстуал, окказионал синонимлар, мантиқий синонимлар, когнитив синонимлар, стилистик синонимлар каби кўплаб

[44]Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Тошкент, 1995. – Б. 84.

турларга ажратилишини кўрамиз. Аммо бу тилларнинг барчасида яратилаётган луғат ва қомусларда ҳамма синонимлар ҳам ҳар доим бир хил маънони ифода эта олмаслиги таъкидланади. Жумладан, инглиз тилида ҳам соф синонимлар жуда камчиликни ташкил этиши эътироф этилиб, ҳар доим ҳам тезаурусларда берилган синонимлар бир-бирининг ўрнини боса олмаслиги мисоллар билан кўрсатиб ўтилади[45]. Мисол учун *elated* ва *happy* сўзлари олинган бўлиб, *elated* ўрнига *happy* ишлатилиши мумкин, лекин *happy elated* сўзининг асл маъносини берувчи синоним сифатида қаралмаслиги таъкидланади. *Elated* сўзи *happy* сўзининг гипоними сифатида қаралиши мумкинлиги қуйидаги мисол орқали исботлашга ҳаракат қилинади: *Britt is elated. →Britt is happy. (Thus, we can't say: Britt is elated, but she's not happy) – Бритт еттинчи осмонда → Бритт бахтли. (Демак, биз Бритт еттинчи осмонда, лекин у бахтли эмас дея олмаймиз). Britt is happy. Britt is elated. (So, we can say: Britt is happy, but she's not elated.) – Бритт бахтли. → Бритт еттинчи осмонда. (Демак, биз Бритт бахтли, лекин у еттинчи осмонда эмас, дея оламиз[46]).* Демак, *elated* сўзи *happy* сўзига қараганда юқори, кучли даражага эга бўлганлиги сабабли ҳам улар ўрин алмашганда, бирининг асл маъносини ва моҳиятини иккинчиси тўлиқ бера олмаслигини кўришимиз мумкин, бу эса ўз-ўзидан градуонимия ҳодисасининг инглиз тилида тадқиқ этилмаганидан далолат беради[47].

Инглиз тилида синонимия ва градуонимиянинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш мақсадида тезаурус(лар)га мурожаат

[45]Жумабаева Ж.Ш. Ўша манба. – Б. 94.

[46]Edmonds P & Hirst G. Near-synonymy and lexical choice//Computational Linguistics, 2002, MIT Press. № 28 – P. 105-144.

[47]Жумабаева Ж.Ш. Ўша манба. – Б. 94.

қилдик ҳамда манбаларда ўзаро маънодош бирликлар орасида соф синонимлар ҳам иштирок этишининг гувоҳи бўлдик. Масалан, **abuse** vb Abuse, misuse, mistreat, maltreat, ill-treat, outrage all denote to use or treat a person or thing improperly or wrongfully. Abuse and misuse are capable of wider use than the others, for they do not invariably imply either deliberateness or wantonness {I can't abuse your generosity to that extent. You're doing more than enough for me already—Mackenzie}.

Мазкур таҳлилдан кўриниб турибдики, *abuse, misuse, mistreat, maltreat, ill-treat, outrage* сўзлари синонимлар луғатидан жой олган бўлса-да, улар орасида нафақат стилистик (коннотатив) фарқланишни, балки денотатив фарқланишни ҳам кузатишимиз мумкин: бинобарин, *misuse* “subversion” маъносини (бузиш/йўқотиш/вайронкорлик/қўпорувчилик жараёнини) ифодаловчи сўзлар ичида бирор-бир ишни нотўғри амалга ошириш, нотўғри қўллаш, ниманидир суиистеъмол қилишни назарда тутса, *abuse* бирор-бир объект/ҳаракат/ҳолатни оқибатлари билан тугатиш, йўқотишни ифодалайди, яъни, ўз-ўзидан мазкур сўз бузиш/йўқотиш/вайронкорлик/қўпорувчилик фарқловчи семаси асосида қаторланувчи элементлар ичида “қўпорувчиликнинг кучайиши” йўналишида кейинги позицияни эгаллайди. *mistreat/maltreat/ill-treat* сўзлари* эса бир-бирига жуда яқин маъноли сўзлар сифатида зулмкор-жоҳил фаолиятнинг намойиши кўринишида кейинги интенсив аъзо мақомини олади. Мазкур градуонимик занжирнинг охирги кучли учини *outrage* эгаллайди, бинобарин, бу сўз чек-чегара билмайдиган, ҳадсиз зулм, агрессия, вайронкорликни

*Биз ўзаро тенг (идентик) маъноли сўзларни тенглик, дублетлик белгиси бўлган “/” орқали ажратишни маъқул топдик.

билдиради. Кўринадики, луғатга киритилган юқоридаги маънодош лексик бирликлар орасида ҳам ўзига хос даражаланиш муносабатлари юзага келади:

Intensification of the meaning of subversion

misuse ~ abuse ~ mistreat/maltreat/ ill-treat ~ outrage

Neutralization of the meaning of subversion

1.2.1.1-расм. Инглиз тилида "қўпорувчилик" семаси асосида даражаланувчи градуонимлар

Баъзан алоҳида ажратиладиган аналогик сўз (analogous words)лар алоҳида градуонимик қатор ҳосил қила олиши ҳам мумкин, яъни ишлатилиш кўламига кўра даражалари аниқланиб, қатор аъзолари аналогик бирликлардан иборат бўлади. Мисол тариқасида *abuse* сўзининг градуонимик қаторига кирмай қолган *hurt, injure, harm, damage, impair, mar, spoil* каби сўзлар зарар етказиш, булғаш, лат етказиш билан боғлиқ ҳолда аналогик маънодошликни намоён этгани ва шунда ҳам ўзаро даражаланиш муносабатларини намоён этгани учун алоҳида градуонимик қаторга тизилиши мумкин:

hurt ~ injure ~ harm ~ damage ~ impair ~ mar/spoil

Синонимия ва градуонимия ўртасида нафақат фарқли жиҳатлар, балки умумий томонлар ҳам мавжуд. Шулардан бири: синонимик ва градуонимик қатор(лар)нинг очиқлиги (чекланмаганлиги). Яъни маънодошлик қаторлари, биринчидан, давр тақозоси, нутқ, жамият талаби асосида тўлдирилиб бориши мумкин. Иккинчидан, маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ бирликлари, фразеологик иборалар, мустақил лексема семемаларининг турлари, ясама сўзлар, сўз

бирикмалари, сўзларнинг нутқий кўчма маънолари билан боғланиб, ўз қаторини нутқий маънодошлик (контекстуал синонимия) воситалари билан кенгайтириб борилади[48]. Умумий томонлардан яна бири – ҳар иккала тур қаторлар битта бош лексема (доминанта) атрофида бирлашишидир. Бунда бош лексеманинг асосий хусусияти – бу лексема семемаси таркибидаги ифода семалари маънодошлик қаторида белгиланган, ойдинлаштирилган ифода семаларига нисбатан бефарқ (нейтрал) бўлади. Масалан, *бола – фарзанд – зурриёд* синонимик қаторида *бола* доминант сўз бўлса, *ниҳол – кўчат – дарахт* градуонимик қаторида *дарахт* бош сўз ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, тил ҳақидаги фанда синонимия қанчалик кенг ўрганилган бўлмасин, унинг ичидан градуонимияни ажратиш ва шу орқали тил бирликларини даражаланувчи бирликлар асосида тартиблаш тамойили ҳали ўз ечимини кутаётган масала саналади. Инглиз тилида лексик ва стилистик даражаланишни махсус тадқиқ қилган Ж.Жумабаеванинг фикрича, “сўзлар градуонимик луғатларининг яратилиши синонимлар ва градуонимларни ажратишга ёрдам беради”[49]. Бугунги кунда тил фойдаланувчиларининг замонавий талабларини инобатга олган ҳолда, бу тамойил, албатта, нафақат босма, балки онлайн луғатларда ҳам акс этиши лозим, деган фикрдамиз.

[48]Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., 1995. – Б. 107-108.

[49]Жумабаева Ж.Ш. Ўша манба. – Б. 109.

1.2.2. Градуонимия ва антонимия. Антонимия ҳодисаси ёки маъно зидланиши тилшунослик тарихида семантик муносабатларнинг зарурий бир кўриниши сифатида алоҳида ўринга эга. Семантик муносабатлар бобида ҳали ечимини кутаётган чалкашликлар мавжуд, чунончи, антонимияга синонимиянинг бир кўриниши деб қараш шулар жумласидандир. Ваҳоланки, синонимия ва антонимия ўзаро турли типдаги маънавий муносабатларда бўлиб, жаҳон, хусусан, ўзбек тилшунослигида яхши ўрганилган. Масалан, антонимиянинг *конверсивность, дополнительность* (қўшимчалик), *“имплицитли градация”ли антонимлар* каби масалалари тадқиқ этилган[50]. Шунингдек, даражаланишга бағишланган О.Бозоровнинг тадқиқотида антонимиянинг градуонимия билан муносабати ҳақида ҳам қисқа маълумот бор[51]. “On Antonymy in English” мақоласи муаллифи Ин Сеок Йанг антонимларни икки категорияга ажратади[52]. Шу асосда биз уларни градуонимик қаторни ҳосил қила оладиган, яъни қутблари антонимлардан иборат ва ҳар икки сўз антоним ҳисобланганда уларнинг ўзаро эмас, алоҳида-алоҳида градуонимик қаторини ҳосил қилиши мумкин бўлган антонимларни таҳлил қилишга эътиборимизни қаратамиз. Антонимлар, инглиз олимларининг фикрига кўра, даражаланувчи, яъни қиёсий ва орттирма даражаларга эга бўла олади, тўлдирувчи ва конверсив жуфтликларда эса даража йўқ. Шуларни инобатга олган ҳолда даражаланувчи антонимлар градуонимик қаторни ҳосил қилиши мумкин, деган фикр келиб чиқади, яъни *single-married* ўртасида ҳеч қандай оралиқ сўз

[50]Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. – М.: Прогресс, 1978. – С. 485-495.

[51]Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Тошкент, 1995. – Б. 85-86.

[52]In-Seok Yang. On antonymy in English//Language and linguistics. Volume 19, Scientific Journal. – UK, 1993. – P. 75-100.

бўлиши мумкин эмас. *Big-small* антонимлари ўртасида эса *normal* сўзини қўйиб, шу билан бирга ҳар икки антонимнинг коннотативлик асосида даражаланишини кўриш мумкин. Юқорида тилга олинган мақоладаги яна бир фикрга нисбатан муносабат билдириш учун инглиз тилидаги антонимлар асосида градуонимик муносабатларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Антонимлар – жуфтлигига берилган саволлар жавобларига кўра ажратилади[53]. Антонимларнинг ушбу гуруҳларга ажратилишининг асосий сабаби **“How-Adj - - -”** шаклидаги сўроқ гапга бериладиган жавобга боғлиқлигидадир. Қутбий ва параллел антонимларга ҳар иккала антонимларни қўллаган ҳолда жавоб берилиши мумкин бўлганлиги учун улар *neutralizable* (нейтраллашувчи) деб қабул қилинар экан, бу қуйидаги мисоллар орқали исботланади: *(1) a. How old is he? How young is he? (2) a. He’s 60 years old/*young. b. He’s 30 years old/*young. c. He’s one day old/*young. (3) a. He’s very young/*old. b. He’s as young/*old as she is*[54]. Ушбу саволларга жавоблардан (2) даги *old* қатнашган барча жавоблар ўринли, *young* бундан истисно. Демак, *old* сўзини бу ерда *old/young* антоним жуфтликларининг **маркерланмаган** (unmarked) аъзоси деб қабул қилиш мумкин. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, (3) даги жавобларни давом эттирувчи гапларнинг мавжудлиги жавобнинг тўлиқ бўлишини таъминлайди. Масалан, *“he is two years old/*young”*. Муаллиф нейтраллашувчи антонимлар жуфтликларининг прагматик асосларини кўриб чиқар экан, *old* ва *young* антонимларининг

[53]Ўша асар. – Б. 75.

[54]In-Seok Yang. On antonymy in English. //Language and linguistics. Volume 19, Scientific Journal. – UK, 1993. – P. 79.

ёш шкаласида жуфтликлар ўртасида кескин чегара йўқлигини таъкидлайди. У қарилик ёшликдан бошланиб, ёшлик қариликгача давом этишини қуйидаги чизмада тасвирлаб кўрсатади (диаграмма In-Seok Yang. On antonomy in English. Language and linguistics. Volume 19, p. 90 дан олинган):

Continuum of age *young↔old*

0 Start terminus 0 → → → → → → → → → → → → → → → → → → boundary

Энди антонимиянинг бевосита градуонимия билан алоқадорлиги масаласига келадиган бўлсак, градуонимия – синонимия ва антонимияни ўзида мужассам этувчи алоҳида тил ҳодисаси сифатида антонимияга ҳам алоқадордир. Бинобарин, градуонимик қаторнинг икки қутби, чегараси бора-бора зидлилик даражасига етар экан, бу ҳам, қайсидир маънода антонимияга мисолдир. Шу билан бирга олим нейтраллашувчи антонимлар деб атаган жуфтликларни таҳлил қилар эканмиз, кўп ҳолларда бундай антонимлар градуонимик қаторга эга бўла олади, деган хулосага келдик ва ушбу жуфтликлар градуонимик қатор ичида жойлашишини қуйида келтирамиз[55]:

Continuum of age *young old*

0 newborn → baby → infant → toddler → child → youngster → teenager → adult → oldster

[55]Жумабаева Ж.Ш Ўша асар. – Б. 100.

Start terminus

0 → → → → → → → → → → → → → → → → → → 100

Худди шундай қаторни ўзбек тилида ҳам кузатиш мумкин (1-илова):

нинни ~ чақалоқ ~ гўдак ~ бола ~ болакай ~ ўсмир ~ ўспирин ~ йигит ~ эркак ~ амаки ~ чол

Бу қатор жинс нафақат ёш, балки жинс (эркак) семаси устуворлиги асосида ҳам тузилган бўлиб, унга зид (аёл) занжирни қуйидагича ифодалаш мумкин[56]:

нинни ~ чақалоқ ~ гўдак ~ бола ~ қизалоқ ~ ўсмир қиз ~ ўспирин қиз ~ қиз ~ жувон ~ опа ~ аёл ~ хола ~ кампир ~ момо...

Мазкур қатордаги остига чизилган сўзлар бирликларнинг (ўта) нисбийлигини, ўзгарувчан ва конверсив (бир-бирига ўтувчан) характерда эканлигини, ҳатто контектуал-коннотатив бўёқдорлигини (шевага хослик, индивидуаллик, хосланганлик, жаргон каби) ҳам намойиш этади. Бу эса, турли гуруҳдаги антонимлардан ташкил топган градуонимик занжир(лар)нинг нафақат очиқлигини, балки (қатор) аъзоларининг транспозицион, конверсив ва ҳатто темпорал табиатга ҳам эгалигини яна бир карра исботлайди.

Юқорида айтганимиздек, антонимик қатор бирликлари баъзан **How+adj…?** сўроғи орқали англашилади ва мувофиқ

[56]Остига чизилган сўзлар нисбий, темпорал, диалектик характерга эга бўлиб, асосан услубий (сўзлашув ва бадиий) колористикага эга.

бирлик орқали жавоб қайтарилади. Масалан, бу қатордан бирликларни ажратиш учун a) *How happy is he/she?* b) *How unhappy is he/she?* каби саволларни қўярканмиз:

a. *He/She is contented.*
He/She is grateful.
He/She is glad.
He/She is pleased.

b. *He/She is sad.*
He/She is unfortunate.
He/She is sorrowful.
He/She is distressed.
He/She is upset.

Мазкур мисоллар асосида даражаланиш қаторларини тузадиган бўлсак, қуйидаги даражаланиш қаторлари ҳосил бўлишини кўрамиз (2-илова):

Intensification of *happiness*

contented ~ grateful ~ glad ~ pleased ~ joyful ~ happy

Neutralization of *happiness*

1.2.2.1-расм. *How happy is he/she?* сўроғига жавоб бўла олувчи бирликлар даражаланиш қатори

Қаторда “бахтлилик” семаси остида жойлашган бирликлар орасида нисбий ўсиш (интенсификация)/камайиш (нейтраллашиш) муносабатларини кўриш мумкин. Худди шундай муносабатни қуйидаги қаторда ҳам кузатиш мумкин:

Intensification of *unhappiness*

upset ~ sorrowful ~ sad ~ unfortunate ~ distressed ~ unhappy

Neutralization of *unhappiness*

1.2.2.2-расм. *How unhappy is he/she?* сўроғига жавоб бўла олувчи бирликлар даражаланиш қатори

Кўриниб турибдики, мазкур чизиқ бўйлаб сафланган лексик бирликлар ўзаро нисбий градуал ўзгариш (ўсиш/камайиш)га учрамоқда (бу эса градуонимияни: бирликларнинг фақат муайян фарқловчи белги асосида ўсиши/ошиши/кучайиши/интенсивлашиши каби тушунишнинг олдини олиш учун қулай мисол бўла олади).

Юқоридаги қаторларни бир умумий градуонимик қаторга тизиш орқали антонимик бирликларни аниқлаш, аниқроғи, даражаланиш қаторида антонимик жуфтликларнинг ўрни ва позициясини аниқроқ тасаввур қилиш мумкин бўлади:

Intensification of *unhappiness*

...happy ~ joyful ~ pleased ~ glad ~ grateful ~ contented ~ upset ~ sorrowful ~ sad ~ unfortunate ~ distressed ~ unhappy...

Neutralization of *unhappiness*

1.2.2.3-расм. *Happiness/unhappiness* семаси асосида даражаланувчи бирликлар қатори

Юқоридаги занжир асосида градуал қаторнинг икки чеккаси (қутби) ўзаро зидлиликни намоён этиши яна бир карра ўз тасдиғини топади: *happy↔unhappy*. *happy ~ ... unhappy*

поляр антонимияси оралиғида жойлашган бирликлар ҳам ўзига хос (қисман) зидланишни ҳосил қилиши билан ажралиб туради: *joyful↔distressed, pleased↔unfortunate, glad↔sad, grateful↔sorrowful, contented↔upset...* complementary (тўлдирувчилик) характердаги мазкур антонимик жуфтликлар, албатта, поляр (қутбий) антонимияга ўсишни ифодалайди (бу турдаги зидланишга контекстуал антонимия деб қараш ҳолати ҳам мавжуд).

Бундан ташқари, **How+adj…?**, аниқроғи, a) *How happy is he/she?* b) *How unhappy is he/she?* сўроқларига жавоб бўла оладиган антонимик бирликлар орасида ёрдамчи аналитик воситаларнинг ҳам ўзаро нисбий зидланишини кузатамиз. Масалан:

a) *How happy is he/she?* b) *How unhappy is he/she?* каби саволларни қўярканмиз:

a. *He/She is so happy.*
He/She is really happy.
He/She is extremely happy.
He/She is a little bit happy.
He/She is quite happy.
He/She is very happy.
He/She is absolutely happy.

b. *He/She is so unhappy.*
He/She is really unhappy.
He/She is extremely unhappy.
He/She is a little bit unhappy.
He/She is quite unhappy.
He/She is very unhappy.

He/She is absolutely unhappy.

каби воқеланишларни кўрамиз (3-илова).

Мазкур мисоллар асосида даражаланиш қаторларини тузадиган бўлсак, қуйидаги занжир ҳосил бўлишини кўрамиз:

Intensification of *happiness/unhappiness*

...a little bit ~ quite ~ really ~ so ~ absolutely ~ extremely...

Neutralization of *happiness/unhappiness*

1.2.2.4-расм. *How happy/unhappy is he/she?* сўроғига жавоб бўла олувчи кўмакчи аналитик бирликлар даражаланиш қатори

Юқоридаги занжир ёрдамчи воситалар қаторида қутбий/параллел антонимияни намоён этади: *a little bit↔ extremely. a little bit ~ ... extremely* антонимик жуфтлиги орасида жойлашган қолган аъзолар ҳам ўзига хос зидланиш асосида муайян позицияда тартибланса-да, улар complementary (тўлдирувчилик) характерга эга: *quite↔absolutely, really↔so...* бу ҳолат ҳатто контекстуал мослашиш белгисига эга бўлиб, бир-бирига ўтиш (транспозиция)ни ифодалаши мумкин (албатта, бу каби масалалар алоҳида тадқиқотлар манбаи бўлиб, бу ишнинг мақсадига кирмайди).

Шу ўринда контекстуал антонимлар хусусида ҳам бир оз тўхталишни лозим топдик. Контекстуал антонимия тадқиқини рангларнинг контекстуал антонимларини таҳлил қилишдан бошлаймиз. Бунда ранг-тус билдирувчи сифатларда антонимик муносабатлар, ҳар доим ҳам ўз антонимлари билан бирга тескари маъно берувчи сўзлар орқали ифодаланиши ва бу

ҳолат ҳар икки қиёсланаётган тилларда қай тарзда берилишини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Масалан, инглиз тилидаги *black coffee/white coffee* ни оладиган бўлсак, ўзбек тилида улар, *қора кофе/оқ кофе* тарзида эмас, *балки қора кофе/сутли кофе* тарзида қўлланади. Шунингдек, инглиз тилидаги *black market/white market (illegal/legal market)* ўзбек тилида *қора бозор/оқ бозор* эмас, *қора бозор/бозор (ноқонуний/ қонуний бозор)* тарзида келиши мумкин[57].

Инглиз тилидаги ранг-тус билдирувчи контекстуал антонимларни кўриб чиқиш асносида қуйидаги фикрга келинди: *black* – қора; айнан таржимаси билан мос тушади ва ўз лексик антоними (*white*) билан бирга ишлатилиш ҳоллари кўпроқ (*black coffee/white coffee*). Бундан ташқари, *black* сўзи *gray, red* сўзлари билан ҳам контекстуал антоним бўлиб келиши кузатилади: *black hair – gray hair; to be in the black (If a bank account is in the black, it contains some money, and if a person or business is in the black, they have money in the bank and are not in debt) – to be in the red (If you or your bank account are in the red, you owe money to the bank)*[58]. Аммо баъзан *yellow/brown* – сариқ, жигар ранг билан *green* – яшил билан (*brown and green leaves*) *white* – оқ, *pink* – пушти blue ранглари билан антоним бўлиб келади (*A pink-collar worker is someone working in the care-oriented career field or in the fields historically considered to be the women`s work; A white-collar worker is a person who performs professional desk, managerial, or administrative work; A blue collar worker is a working class person who performs manual labor. Blue-collar work may involve*

[57]Жумабаева Ж.Ш. Ўша манба. – Б. 106.

[58]https://dictionary.cambridge.org/ru

skilled or unskilled labor[59]*).* Шу ўринда мазкур мисоллар асосида иш шароитларининг қийинлиги/осонлиги даражасига кўра ўзига хос даражаланиш қаторини кўриш мумкин:



1.2.2.5-расм. The level of difficulty of working facilities

Ранг билан боғлиқ контекстуал антонимия ўзбек тилида ҳам учрайди: светофор (йўлчироқ) чироқлари ранглари, хусусан, қизил ва яшил контекстуал антонимияни намоён қилади: *Қизилда ўтиб кетди, гарчанд таъқиқ ҳуштагини эшитган бўлса ҳам. Яшил ёнсайди, тезроқ етиб олардик унга.* Бу ранг турлари антонимияси, шунингдек, ҳарбий контекстда ҳам учрайди – ҳарбий соҳада ишлатиладиган қизил ва яшил ўзига хос функцияга эга: *қизил* – хавф-хатар сигнали сифатида қабул қилинса, *яшил* – хавф-хатардан холи, тинч вазият рамзи сифатида англашилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, градуонимларнинг бошқа ЛСМлар билан муносабатини аниқлаш нафақат лисоний даражаланиш ҳодисасининг моҳиятини чуқурроқ ва теранроқ тушунишга, балки кўплаб амалий мақсадлар учун ҳам хизмат қилади. Жумладан, инглиз тилида кўплаб изчил луғатлар, тил корпуслари яратилгани ва уларда деярли барча семантик категориялар жой олганига қарамасдан, улар градуал метод асосида тартибланмаган; ва аксинча, ўзбек тилшунослиги Европа тилшунослигидан фарқли ўлароқ, лисоний градуонимия ҳодисасини илмий асосда ўрганиб, Европага ёйилишига хизмат қилаётган бўлса-да, ҳали тил

[59] https://en.m.wikipedia.org

корпусларини яратишда пешқадамлик намоён этиши керак бўлмоқда. Албатта, бунда тил корпуслари тил бирликларини семантик ва функционал тавсифлашда даражаланиш усулига таяниши, онгимизда тегишли уячаларда яшаётган гуруҳлар ва аъзоларни нутқ эҳтиёжи, фикрнинг мазмун, мақсад ва шаклига кўра танлаб ишлатилиши учун қулайроқ тузилиши лозим.

Бундан ташқари, градуонимик муносабатларнинг бошқа ЛСМлар билан муносабатини ўрганиш тил ўқитиш жараёнига ҳам ижобий таъсир қилади. Бунда тил бирликларини ўргатаётганда уларни градуонимлар, синонимлар, антонимларни ўз ичига олган тегишли мавзувий гуруҳ ва тўдаларни ҳосил қилиш орқали ўқитиш – тил ўрганувчиларнинг нафақат луғат бойлигини, балки мантиқий фикрлаш ва тезкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

II БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ГРАДУОНИМИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТИЛ САТҲЛАРИДА ВОҚЕЛАНИШИ

2.1. Лисоний параллелизм ҳодисаси ҳақида

Параллелизм (грекча *parallelos* – ёнма-ён турувчи) – фанда ўзаро солиштирилаётган икки предмет/ҳодисанинг умумий ва ўхшаш томон(лар)и, нотўлиқ такрори сифатида маълум бўлиб, тилда лисоний (лингвистик) параллелизм шаклида рўёбга чиқади[60]. Параллелизм ҳодисасини биология, физика, математика, информатика каби кўплаб соҳаларда кузатиш мумкин. Масалан, информатика ва ҳисоблаш муҳандислиги соҳасидаги параллелизм – бир пайтнинг ўзида ечилиши мумкин бўлган кичик топшириқларни назарда тутиши мумкин. Бунда кўплаб ҳисоблаш тугунларида маълумотларни параллел қайта ишлашни у ёки бу усул орқали рўёбга чиқарадиган физик ҳамда дастурлаш тизимлари назарда тутилади. Масалан, икки процессорли машинада массивни тезкор гуруҳлаш учун уни тенг иккига бўлиш ёки ҳар икки қисмни алоҳида процессорда саралаш мумкин. Ҳар бир қисмнинг сараланиши турлича вақтни олиши мумкин, шунинг учун синхронизация (бир вақтнинг ўзида бир неча операцияларнинг бажарилиши) керак бўлади[61]. Дастурлашда параллелизмнинг – битлар сатҳида параллелизм, инструкциялар сатҳида параллелизм,

[60]Carlson, Katy. Parallelism and Prosody in the Processing of Ellipsis Sentences. Routledge, 2002, pp.4-6. https://ru.wikipedia.org/wiki; https://www.textologia.ru/slovari/lingvisticheskie-terminy/parallelizm/ ?q=486 &n=1248

[61]Almasi, G.S. and A. Gottlieb (1989). Highly Parallel Computing. – Benjamin-Cummings publishers, Redwood City, CA.; https://www.textologia.ru/slovari/lingvisticheskie-terminy/parallelizm/ ?q=486 &n=1248

маълумотлар параллелизми, вазифалар параллелизми каби турлари мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажариш учун ихтисослашган. Умуман олганда, параллел ҳисоблашлар компьютерлар архитектурасида доминант парадигма сифатида асосан кўпядроли процессорлар кўринишида ифодаланади.

Аслида параллелизм биологик (табиий) онг сатҳидан бошланиб, сунъий онг соҳасига кўчирилди. 1970 йилларнинг бошида Массачусетс технология университетининг Сунъий интеллект лабораторияси мутахассислари Марвин Минский ва Сеймур Пейперт “Ақл жамияти” деб номланган назария орқали биологик онгни оммавий параллел ҳисоблаш машинаси сифатида қарашади. 1986 йилда Марвин Минский “Ақл жамияти” деб номланган китобида эса “онг ўз-ўзича англаш қобилиятига эга бўлмаган кўплаб кичкина агентлардан иборат”, деган фикрни илгари сурди[62]. Мазкур назарияга кўра интеллект – ўзи онгли бўлмаган агентлар деб номланган содда қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги маҳсулидир. Муайян англаш операциясини бажараётганда мазкур қисм(ча)лар бир вақтнинг ўзида автоматик ҳаракатга келади ва ўзаро муносабатга киришади. Мана шу жараён (биологик, табиий) интеллектуал параллелизм деб ҳисобланади.

Демак, параллелизм табиий интеллектуал ҳодиса сифатида нафақат инсоний тафаккур сатҳида, балки инсоний тафаккурнинг реаллашув шакли бўлган лисоний онг ҳамда инсоний тил сатҳларида ҳам реаллашади. Бунда объектив борликда мавжуд реал ва ирреал ҳодисаларнинг инсон онгида акс этиш жараёнини кузатиш мумкин. Инсоний тафаккур

[62]Минский М. Сообщество разума. – М.: АСТ, 2018. – Б. 57.

реалликда дискрет (алоҳида, ажралган) бўлган нарса/ ҳодисаларни синкретлаштириш (бирлаштириш, умумлаштириш) ёки аксинча, синкрет бўлган воқеликларни дискретлаштириш йўлидан борар экан, буни ўзига хос мантиқий параллел операциялар орқали амалга оширади.

Мантиқий параллелизм, ўз навбатида, лисоний параллелизм шаклида реаллашади, бунда муайян мантиқий категория ва тушунчалар лисоний бирликлар ифодасида рўёбга чиқади. Лисоний параллелизм тилда грамматик категориялар, лексик ва грамматик маъноларни ифодалаш, фонетик/фонологик экспрессия каби лисоний операциялар жараёнида кузатилади[63]; муайян грамматик категорияни ифодалашда иштирок этувчи турли лисоний бирликлар бир вақтнинг ўзида бир мақсад – шу грамматик маънони юзага чиқариш йўлида қаторлашади.

Бироқ ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, фанда лисоний параллелизм ҳодисаси кўпроқ назмий адабиётда такрор, анафора, қофия ва радифларнинг параллел (муқобил) ишлатилиши йўналишида ўрганилганлик билан чекланган бўлиб, соф лингвистик (лисоний маъноларнинг ифодаланишида тил сатҳлариаро ва/ёки тил бирликлариаро параллелизм) йўсинда камроқ ўрганилган. Аслида лингвистик параллелизмнинг ҳатто тилнинг структур сатҳларида воқеланишида юзага келадиган стилистик, коннотатив функциясини ҳам инкор этиб бўлмайди, чунки ҳар қандай

[63]Toshxujaeva Sh.G’., Abdusamatova N.M. Erkin A'zam asarlarida sintaktik parallelizm//International Conference on Developments in Education Hosted from Saint Petersburg, Russia: https://econferencezone.org Nov, 24th 2022; Якобсон Р. Грамматический параллелизм и его русские аспекты//Якобсон Р. Работы по поэтике: Перевод/Сост. и общ. ред. М.Л. Гаспарова. – М.: Прогресс, 1987. – С. 99-132; Якобсон Р. Поэзия грамматики и грамматика поэзии//Семиотика: Антология/Сост. Ю.С. Степанова. Изд. 2-е, испр. и доп. – М., 2001. – С. 525–548.

параллел модел, конструкция, тузилма ва ҳатто бирлик – хоҳ сўзлашув ёки илмий, хоҳ поэтик услуб бўлсин, асосий денотатив маъно асосига қурилган интенсификацияни намойиш этади – бу ҳолат бирин-кетинлик билан микросатҳдан макросатҳга қараб ўсиши ва шу орқали турли лисоний ва нутқий воқеланишларни акс эттириши мумкин[64]. Тилнинг назмий ифодасини намоён этувчи адабий услубда параллелизм – лирик ғояни етказиш жараёнида фонетик, морфологик ва синтактик бирликлар орасидаги ўзаро ассимиляцияни ифодаловчи йўлга айланган: бу товушлар параллелизми (товушлар ва бўғинлар ўртасида), лексик параллелизм (такрорий сўз ва иборалар воситасида) ёки синтактик параллелизм (сўз бирикмалари ва гап орасидаги) бўлиши маълум[65].

Масалан, А.Недогоновнинг қуйидаги сатрларида синтактик параллелизмни кузатишимиз мумкин:

Алмаз шлифуется алмазом,
Строка шлифуется строкой.

Худди шундай ҳолатни ўзбек тилида ёзилган асарлар матнида ҳам учратиш мумкин: *“Гап шундаки, мен адабиёт тарихи имтиҳонидан ўтмай туриб, муҳаббат дардига мубтало бўлдим. Оқибатда на имтиҳондан ўтдим, на у дардга*

[64]Shukurov P.M. Parallel sintaktik butunliklar. – Fargona: NDA, 2004.; Shukurov R.M. Parallel sintaktik butunliklar: Filol.fan.nomz. ... diss.avtoref. – T., 2004.

[65]Веселовский А.Н. Психологический параллелизм и его формы в отражениях поэтического стиля//Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л., 1940; Leech G.N. A Linguistic Guide to English Poetry. – London–New York: Longman, 1969. – 237 p.; Leech G., Short M. Style in fiction: a linguistic introduction to English fictional prose. 2nd ed. – London: Longman, Pearson Education, 2007. – 404 p.; Short M. Exploring the Language of Poems, Plays and Prose. – London–New York: Longman, 1996. – 385 p.

даво топдим. Энди ўйлаб кўрсам, имтиҳондан эсон-омон қутулган тақдиримда ҳам унга даво топмоғим гумон экан (Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили” асаридан келтирилди)”. Бу мисолда тасвирланаётган воқеа параллел бирликлар орқали (бир ҳаракат икки хил маъно ифодалаб), параллел бирликнинг маъноси кенгайган ҳолда ифодаланган, яъни синтактик параллелизм юзага чиққан. Товушлар параллелизмини изчил тадқиқ этган Н.Джусуповнинг ҳақли таъкидлашича, бу тип ҳодиса нафақат нутқнинг равонлиги, силлиқлиги ва ўқишлилигини, балки маъновий/мантиқий юкнинг симметрик тарзда сингдирилишини таъминлайди: *“...Другой пример звукового параллелизма, выдвигаемый в десятой строке сонета “scandal of Mrs. N and Professor D”, представляется весьма специфичным как с точки зрения реализации ритмики, так и рифмовки. Селективность аттентиционального процесса при чтении данной строки, прежде всего, обусловливается особой игровой манерой автора в расположении слов с целью выдвижения определенных звуковых параллелей. В данном случае это звуковое отображение сочетающихся согласных “n” и “d” в слове “scandal” в последующих именах “Mrs. N and Professor D”. Этот специфический способ перцептивного выделения звукового параллелизма является составной частью разнообразной серии средств выдвижения, участвующих в экспликации различных компонентов концептуально-смысловой доминанты, характеризующей коллективный образ кембриджских дам. Прием звукового параллелизма в сочетании с другими средствами выдвижения из предыдущей строки акцентированно транслирует информацию о том, что жизнь светских дам*

главным образом строится вокруг распространения сплетен и слухов о жителях Кембриджа (соседях, знакомых и т.д.)[66]*”*. Дарҳақиқат, бу каби ўринларда параллелизм имкониятларидан фойдаланиш – нафақат ўзига хослик, алоҳидалик, индивидуаллик белгиларини, балки икки ва ундан ортиқ бирликлар ва улар ўртасидаги ўзаро семантик алоқадорликнинг ҳамда ўзаро тобеланишнинг фаоллашувига хизмат қилади.


Юқорида айтганимиздек, лингвистик параллелизм, асосан адабиёт ва мусиқа соҳасида стилистик усул сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Лисоний параллелизмнинг объектив борлиқ – инсоний тафаккур – инсоний онг муносабатларини намоён этувчи когнитив ҳамда коммуникатив мақсадларни амалга ошириш учун тилнинг айнан структур яруслари даражасида воқеланиши масаласи эса долзарблигича қолмоқда. Бунда лисоний параллелизм нафақат тузилиши, балки фаоллашувига кўра ҳам универсал ҳодисалигини намоён этади, бу эса, ўз навбатида, бирор-бир ташкилий модел (қолип/қурилма) билан шартланган бирликлар орасидаги муайян мувофиқликлар (ўхшашликлар/умумийликлар)ни ажратишга асосланади[67].

Мазкур ишимизда лисоний параллелизмни бир тизимли ва турли тизимли тилларда солиштириш имкони мавжудлиги боис, аввалambор, уни икки турга – **инпараллелизм** ҳамда **интерпараллелизм** каби турларга ажратишни маъқул топдик. Бунда *инпараллелизм* – бир тил доирасида мавжуд лисоний усул ва воситалар, бирликларнинг ўзаро эквивалент, муқобил

[66]Джусупов Н.М. Лингвистический параллелизм в англоязычном поэтическом тексте: когнитивно-стилистический потенциал и проблема интерпретации//“Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. – № 4 (23)/ 2018. – С. 113-119.

[67]Ширинова Н.Д., Ҳамдамова Г. Грамматик маъноларни ифодалашда параллелизм// Адабий тил жонкуяри. Проф. М.Мирзаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2002. – Б. 76-78.

ҳаракати бўлса, *интерпараллелизм* – турли тиллар доирасида кузатиладиган ўхшашлик, умумийлик, аналогияни кўзда тутади.



2.1.1-расм. Инпараллелизм ва интерпараллелизмнинг воқеланиш хусусиятлари

Бунда A,B,C,D – ўзаро инпараллел ёки инерпараллел аъзолар бўлиб, муайян лисоний маъно ва/ёки функцияни ифодалаш жараёнида ўзаро муқобиллик муносабатига киришади: инпараллел воситалар бир тил доирасидаги эквивалентлар бўлиб, ўша тилга тегишли имкониятларни намойиш этади; интерпараллел воситалар эса турли тиллар доирасидаги ўзаро муқобил унсурлар сифатида турли тиллардаги умумийликларни ифодалайди. Мазкур

умумийликлар – инпараллел ёки интерпараллел элементлар – расмда 1,2,3,4,5 рақамлари остида англашилмоқда; 5-критерий – инпараллелизм шароитида барча восита/усуллар учун умумий бўлган гармонизмни ёхуд интерпараллелизм муносабатларида ўзаро солиштирилаётган тиллар миқёсида тўла ёки қисман умумий (интеграл) бўлган эквивалентликни назарда тутади.

Инпараллелизм ҳамда интерпараллелизмнинг умумий моделидан фойдаланиб, уларнинг бевосита таҳлилига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Дастлаб инпараллел муносабатларни ўрганиш асосида якка тилларнинг ўзига хос лисоний имкониятлари ва реаллашиш механизмини кузатишга эришилади. Масалан, ўзбек тилида сон грамматик категориясини ифодалаш учун фонетик, лексик ва грамматик бирликларнинг қатнашишини кузатиш орқали инпараллелизмга далил топиш мумкин:

2.1.1-жадвал

Ўзбек тилида “китоб” сўзининг миқдорий белгисини ифодалашда инпараллелизм

Сон		**Лисоний усул**
Бирлик	**Кўплик**	
китоб	*кито-о-о-б*	Фонетик
	китоб-китоб *китоб-митоб*	Редупликация (Такрор)
	китоблар	Аффиксация
	китоб-дафтар	Жуфтлаш
	тўртта китоб *кўп китоб* *бир неча китоб*	Аналитик (кўмакчи сўз ёрдамида)

Кўринадики, лисоний тизим сон категорияси таркибида бўлган биргина кўплик грамматик маъносини юзага чиқариш учун фонетик, такрор, аффиксация, жуфтлаш ва аналитик усул каби йўллардан параллел фойдалана олади, яъни мазкур алоҳида операцияларнинг ҳар бири лисоний онгда алоҳида уячаларда жойлашган ва яшаётган бўлса-да, мазкур маънони ифодалаш йўлида бир қаторга тизилади ва фаоллашади[68]. Ўзбек тилида отлар билан бирга бошқа сўз туркумларида ҳам миқдорий белгининг ифодаланишини инобатга оладиган бўлсак, қуйидаги таҳлилий маълумотга эга бўламиз:

2.1.2-жадвал

Ўзбек тилида сон категориясини ифодалашда инпараллелизм


Сўз туркуми	**Сон категорияси**	
	Бирлик	**Кўплик**
От	*китоб, инсон, хабар*	*китоблар, оломон, ахборот*
Олмош	*мен, сен, у, бу, шу*	*биз, сиз, улар, булар, шулар*
Феъл	*келаман, келасан, келади*	*келамиз, келасиз(лар), келишади (келадилар)*

[68]Ширинова Н.Д., Ҳамдамова Г. Грамматик маъноларни ифодалашда параллелизм//Адабий тил жонкуяри. Проф. М.Мирзаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2002. – Б. 76-78.

Шу жадвал орқали ўзбек тилида бошқа сўз туркумларида ҳам бирлик ва кўплик маъноларини реаллаштирганда турли лингвистик усуллар фаоллашишини тушуниш мумкин:

- **Ташқи флексия (аффиксация)** – *китоб-китоблар; у-улар; бу-булар; шу-шулар; келаман-келамиз; келасан-келасиз(лар); келади-келишади (келадилар)* каби;
- **Ички флексия** – *хабар-ахборот; сен-сиз;*
- **Супплетивизм** – *мен-биз; инсон-оломон* каби.

Демак, ўзбек тилидаги айрим сўз туркумларида сон грамматик категориясини ифодалашда иштирок этувчи воситалар инпараллелизмини қуйидагича шакллантирса бўлади:



2.1.2-расм. Ўзбек тилида сон грамматик категориясини ифодалашда инпараллелизм

Худди шунга ўхшаш ҳолатни инглиз тилида сон категорияси (the category of number)ни ифодалашда ҳам кўрамиз[69]:

[69] https://www.grammar-monster.com/glossary/number.htm

2.1.3-жадвал

Inparallelism in the expression of the Category of Number in English


Word Type	Number Category	
	Singular Example	**Plural Example**
Noun	*cat, mouse*	*cats, mice*
Pronoun	*I, me, you, he, him, she, her, it*	*we, us, you, they, them*
Determiner	*this, that, a, an, my, your, his, her, its*	*these, those, our, your, their*
Verb	*am, is, was, has, I play, he plays*	*are, were, have, they play*

Бунда аналитик, флектив ҳамда супплетив шакллар бирлик (singularity) ҳамда кўплик (plurality) маъноларини ифодалаш учун муқобил ишга киришади: *cats*, *mice*/*a, an*. Ноаниқлик билан бирга бирлик маъносини ҳам ифодалашга ихтисослашган *a, an* артикли инглиз тилида алоҳида (аналитик, супплетив) сон кўрсаткичи сифатида иштирок этмоқда.

Флексия усули орқали кўплик маъносини бериш инглиз тили морфологик тизимининг ўзига хос имкониятларидан бири бўлиб, кўплаб лисоний маъно ва категорияларни

воқелантириш, жумладан, сон категориясини ифодалаш учун ҳам фаоллашишини кузатишимиз мумкин[70]. Бунда отларга қўшилиб, бевосита кўплик маъносини ифодалайдиган -s флектив шакли инглиз тилининг ташқи флексияларни ишлатиш (аффиксация) имкониятларидан дарак берса, ички флексия (бирор бир грамматик маънони беришда сўз таркиби, тузилиши, шакли, талаффузи ва имлосининг тўла ва/ёки қисман ўзгариши ёхуд ўзгармасдан қолиши) айни пайтнинг ўзида сон маъносини реаллаштиришда ҳамкор усул сифатида гавдаланмоқда.


Умуман олганда, инглиз тилидаги флектив ҳолатларнинг нисбатан унумлилигини ҳисобга оладиган бўлсак, тил бирликлари (от, олмош, феъл каби)да уларнинг ҳар иккала – ички ва ташқи флексия – тури ҳам барқарор инпараллел воситалар деб қаралиши мумкин:



2.1.3-расм. Инглиз тилида сон маъносининг ташқи флексия (аффиксация) орқали ифодаланиши


[70]Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – С.80-86.

Юқоридаги расм инглиз тили морфологик бирликларининг ташқи флексия орқали инпараллелизмни реаллаштиришига дахлдор бўлса, кейинги ҳолат инглиз тилида унумли бўлган ички флексия билан боғлиқ бўлиб, хусусан, миқдорий белгини ифодалаш учун ҳам эквивалентликни намоён этади:



2.1.4-расм. Инглиз тилида сон маъносининг ички флексия орқали ифодаланиши


Мазкур фарқланишда **супплетивизм**[71] (муайян лексик ёки грамматик маънони беришда бошқа ўзакдан фойдаланиш) ҳам иштирок этиб, эквивалент шакл(лар)ни намоён этади:



2.1.5-расм. Инглиз тилида сон маъносининг супплетивизм орқали ифодаланиши

[71]Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – С. 80-86.

Кўринадики, инглиз тили сон грамматик маъносини лексик ва морфологик усуллар билан беришда рангба-ранг имкониятларга эга бўлиб, улар тегишли тартибда инпараллел ҳодисалар сифатида тартибланади. Қуйида юқорида келтирилган усулларни умумлаштирган ҳолда инглиз тилида сон грамматик категориясини ифодаловчи усул ва воситалар инпараллелизмини кўрсатишга ҳаракат қиламиз:



2.1.6-расм. Инглиз тилида сон грамматик категориясини ифодалашда инпараллелизм

Инглиз тилида сон категориясини флектив ва супплетив шакллар билан ифодалашда эквивалентликни намойиш этувчи мазкур тасниф инпараллелизмга яққол мисол бўла олади.

Энди бевосита интерпараллелизмга келадиган бўлсак, у турли тиллар (дастлаб қариндош, сўнгра ноқариндош тиллар)

тизимида ифодаланиши мумкинлигини кўрамиз. Бу эса, ўз-ўзидан, муайян лексик ёки грамматик ва ҳатто стилистик маънони беришда тиллараро унсурларда ҳамкорлик, тасодиф, ўхшашликни ажратишга асосланади. Масалан, юқоридаги мисоллар асосида кузатдикки, ўзбек ва инглиз тилларида **отларда сон категориясини** ифодалашда:

- Аффиксация;
- Аналитик воситалар

умумийликни намоён этмоқда (ўзбек тилидаги бошқа сўз туркумларида мазкур грамматик маънонинг акс этиши назарда тутилмайди, бу ҳақда кейинги ишларимизда батафсил тўхталмоқчимиз; айни пайтда эса интерпараллелизм ҳодисасини тасаввур қилиш учун отлардаги эквивалентликни кузатиш ҳам кифоя деб ҳисоблаймиз). Бу ҳолатни қуйида умумлаштиришга ҳаракат қиламиз:



2.1.7-расм. Ўзбек ва инглиз тилларида кўплик грамматик маъносини ифодалашда грамматик усуллар интерпараллелизми

Ишда келтирилган ин- ҳамда интерпараллелизмнинг умумий моделининг бевосита хусусийлашган (тиллар миқёсидаги) давоми бўлган мазкур расмда қариндош бўлмаган, турли тизимли тилларда ҳам муайян грамматик маънони беришда умумий жиҳатлар, аналогик ҳамкорлик борлигини сезиш қийин эмас. Айнан мана шу ҳолат тилда **лисоний параллелизмни** – ўзида тил бирликларининг узлуксиз ва барқарор ҳаракатланиши асоси сифатида нафақат тузилиши, балки фаоллашуви бўйича универсал (умумий) ҳодиса эканлигини ва бунда у ёки бу ташкилий қолипларга алоқадор бирликлар ўртасидаги муайян ўхшашликларнинг ажратилишини намоён этувчи лингвистик ҳодисани – ифодалайди.

2.2. Градуал параллелизм – лисоний маъноларни фарқлаш усули сифатида

Лингвистик параллелизм ҳодисасининг турли лисоний аспектларда воқеланиши масаласига бағишланган қатор ишлардаги таҳлилларга таянган ҳолда бу ҳодисага оид нафақат умумий ва фарқли хусусиятларни ажратиш имконига, балки эквивалентлик муносабатлари ва эквивалентлик тамойилини ҳам ўрганишга эришиш мумкин, яъни ўзаро параллел муносабатларга киришаётган исталган тил бирлиги муайян категория/маъно/вазифани реаллаштириш учун ўзаро муқобил/шерик/ҳамкор/ўринбосар мавқейида бўлади: ўзаро параллел қаторда турган бир лисоний усул ёки восита доминантлашса, иккинчи ёки кейинги усул/восита нейтраллашиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бу каби ҳамкорлик тил иқтисодийлиги, ихчамлиги ва мақсадлилигини ҳам белгилайди, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам (қанчалик бой ва ранг-баранг восита, ресурс ва усулларга эга бўлишига қарамай) тил ўзининг асосий вазифаси – фаол, ўзаро шартланган ва мақсадли интерпретацияни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Энди бевосита градуал параллелизм ҳодисасига келадиган бўлсак, унда **лингвистик градуонимияга хос бўлган**:

- даражаланиш қаторининг очиқлиги;
- градуонимик қаторнинг нисбийлиги (ўзгарувчан, окказионал, темпорал, баъзан индивидуаллиги);
- градуал занжирда доминанта (нейтрал бирлик)нинг мавжудлиги;

- даражаланиш муносабатлари – бир белгининг кучайиши бошқа бир белги(хусусият)нинг пасайиши ҳисобига тузилиши (тескари алоқа);
- градуонимик боғланишлар нафақат тилнинг юза сатҳ бирликлари, балки лисоний онг даражасида, тилнинг ички механизмига ҳам хослиги[72]

сингари ҳамда **лисоний параллелизмга хос бўлган**:

- бир маъно/вазифа/мақсадни амалга оширишда бирдан ортиқ ҳамкор лисоний унсурларнинг иштирок этиши[73];
- мазкур шакл, усул ва воситаларнинг сираси тугал (чекланган) характерга эмас, балки очиқ, чекланмаган ва прогрессив хусусиятга эгалиги;
- муайян параллел бирлик(лар)нинг устуворлашиши/ фаоллашиши/фарқланиши/ажратилиши – бошқа бир (ёки бирдан ортиқ) восита/усулларнинг пасайиши/нейтраллашиши/ чекиниши (ўз ўрнини бўшатиши) эвазига содир бўлиши;
- лисоний параллелизм ўз моҳиятига кўра нафақат тилнинг юза сатҳ бирликларида, балки лисоний онг уячаларида мавжуд муносабатларнинг ифодаси бўлиб, коммуникант мақсадига кўра ва нутқ вазиятига кўра фаоллашиши

каби кўплаб тамойилларнинг инъикосини кўрамиз. Қуйидаги бўлимларда мана шу инъикосга дахлдор таҳлилларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

---

[72]Ширинова Н.Дж. Предметность и качество: от синкретности к дискретности. Научная монография. LAP (Lambert Academic Publishing): Saarbrücken, Germany, 2013. ISBN-978-3-659-35163-1. – С. 66.; Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол.фан.номз. .... дисс. – Тошкент, 2010. – 150 б.; Ширинова Н.Д. Лисоний сатҳларда градуонимик муносабатлар. Илмий монография. – Т.: Turon Zamin Ziyo, 2016. – Б. 15.

[73]Ширинова Н.Д., Ширинова Н.Д. Лисоний параллелизм масаласига доир//“Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences” scientific journal on January, 2023. – P. 256-259.

Аввалambор, градуал параллелизмнинг **ички (инпараллел)** ва **ташқи (интерпараллел)** турларини ажратишни маъқул топдик. Уларнинг ҳар бирини тадқиқ этиш – нафақат лисоний даражаланиш (градуонимия) ҳодисасининг илмий моҳиятини чуқурроқ тушунишга, балки маълум маънода қариндош/бир тизимли ҳамда ноқариндош/турли тизимли тилларнинг ички ва ташқи имкониятларини ва умуман шу мақсадда иштирок этувчи умумлисоний, умумлингвистик тамойилларни ҳам далиллашга шароит яратади.

2.2.1. Градуал инпараллелизм. Юқорида айтилганидек, лингвистик градуал параллелизмнинг бир тури – градуал инпараллелизм бўлиб, бир тил доирасидаги муайян лисоний маъно ва/ёки категорияни юзага чиқаришда бир неча усул ва воситаларнинг ўзаро, ички ҳамкорлигини назарда тутади. Ишда ўзбек тилидаги миқдорий белгини ифодалашга бағишланган 2.1.1- ва 2.1.2-жадваллар шу турдаги параллелизмга мисол бўла олади. Бунда ўзбек тилида сон грамматик категориясини ифодалаш учун бирдан ортиқ усул ва воситаларнинг ўзаро инпараллел тарзда ишлатилиши градуонимик йўналишда ривожланишини кўриш мумкин. Масалан, сон маъносини ифодалашда “унумдорлик даражасига кўра фарқланиш” кузатилади:

унумдорлик даражасининг ошиши

китоблар ↔ кўп китоб ↔ китоб-китоб ↔ китоб-дафтар ↔ кито-о-о-б

унумдорлик даражасининг камайиши

2.2.1.1-расм. Ўзбек тилида сон маъносини ифодаловчи иннараллел бирликларнинг унумдорлик даражасига кўра градуонимик қатори

Бунда ўзбек тилида *китоблар* шакли услубларарo (бадиий, сўзлашув, илмий, публицистик ва расмий-идоравий услублар) энг унумли ишлатиладиган грамматик шакл сифатида градуал параллел қаторнинг кучли аъзоси сифатида намоён бўлса, тилларда функционал чегараланиш (вазиятга кўра ишлатилиши, оғзаки нутқда реаллашиши)га, услубий ва прагматик жиҳатдан хосланганлик (кўпроқ сўзлашувга хослиги)ка эга бўлган *кито-о-о-б* шакли энг камунум шерик сифатида гавдаланади. Ўзаро параллел бирликларнинг кейинги тартибланиши *кўп, анча, хийла, тўртта..., бир неча...* сингари аналитик воситаларнинг ишлатилиши; тилимизда нафақат сон, балки белги (сифат) интенсификатори ҳисобланган такрорий сўзлар (*китоб-китоб*); ҳамда китоб ва шунга ўхшаш, алоқадор нарса, ашёларни англатувчи *китоб-дафтар* шакли эса, аксинча, ҳам лексик-семантик, ҳам услубий, ҳам функционал-прагматик жиҳатдан камунум ҳамкор восита сифатида қаторнинг охирроғидан ўрин олмоқда[74].

[74]Ширинова Н.Д., Ҳамдамова Г. Грамматик маъноларни ифодалашда параллелизм//Адабий тил жонкуяри. Проф. М.Мирзаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2002. – Б. 76-78.; Ширинова Н.Д., Ширинова Н.Д. Лисоний параллелизм масаласига доир//“Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences” scientific journal on January, 2023. – P. 256-259.

Бу қаторни бевосита умумлаштириб, яъни лисоний воситалар (шакллар)дан лисоний усулларга йўналишида таҳлилни амалга оширадиган бўлсак, бундай занжир қуйидагича кўриниш олади:

унумдорлик даражасининг ошиши

Аффиксация ↔ Аналитик ↔ Такрор ↔ Жуфтлаш ↔ Фонетик

унумдорлик даражасининг камайиши

2.2.1.2-расм. Ўзбек тилида сон маъносини ифодаловчи усулларнинг унумдорлик даражасига кўра градуонимик қатори

Эътиборли томони шундаки, ўзбек тилида мазкур грамматик категориясини ифодалашдаги параллелизмни унумдорлик даражасига кўра эмас, айнан грамматик маънони ифодалаш шкаласи бўйича оладиган бўлсак, яна бир инпараллел занжирга эга бўла оламиз:

аниқлик даражасининг ошиши

100 та китоб ↔ китоб-китоб ↔ китоблар ↔ китоб-дафтар ↔ кито-о-о-б

аниқлик даражасининг камайиши

2.2.1.3-расм. Ўзбек тилида сон маъносини ифодаловчи бирликларнинг аниқлик даражасига кўра градуонимик қатори

Бунда ўзбек тилида *100 та китоб* шакли кўпликни аниқ миқдорда бера олиши билан (шунингдек, *кўп китоб, бир уй китоб* каби шаклларда белгининг кучайишини ҳам сезиш мумкин) градуал параллел қаторнинг кучли аъзоси сифатида намоён бўлса, индивидуал ва окказионал характерли бўлган *кито-о-о-б* шакли аниқлик даражаси кучсиз бўлган эквивалент сифатида гавдаланади. Ўзаро параллел бирликларнинг кейинги тартибланиш чизиғида *китоб-китоб* такрорий ифодаси, ва кейинчалик, унумдорликка кўра энг кучли намоянда саналган *китоблар* бирлиги жой олади; китоб ва шу оламга дахлдор предметларни англатувчи *китоб-дафтар* кўриниши эса нисбатан мавҳум миқдорий белгини ташувчи муқобил сифатида қаторнинг охиррогидан ўрин олмоқда.

Бу алоқадорликни бевосита умумлаштириб, яъни лисоний воситалар (шакллар)дан лисоний усулларга йўналишида таҳлилни амалга оширадиган бўлсак, бундай боғланиш қуйидагича кўриниш олади:

аниқлик даражасининг ошиши

Аналитик ↔ *Редупликация* ↔ *Аффиксация* ↔ *Жуфтлаш* ↔ *Фонетик*

аниқлик даражасининг камайиши

2.2.1.4-расм. Ўзбек тилида миқдорий белгини ифодаловчи усулларнинг аниқлик даражасига кўра градуонимик қатори

Инградуал параллелизм нафақат бирор-бир грамматик маънони берувчи лингвистик усул ва воситалар орасида, балки лексик бирликлар орасида ҳам воқеланиши мумкин. Масалан, ишимизнинг биринчи бобида таҳлилга тортганимиз **How+adj…?**, аниқроғи, а) *How happy is he/she?* b) *How unhappy is he/she?* маъноларини реаллаштиришга хизмат қилувчи *so, really, extremely, a little bit, quite, very, absolutely* каби воситалар ёрдамчи аналитик воситаларнинг ҳам ўзаро параллелизмини кузатамиз (2-илова). Бундай боғланишни параллелизм дейишимизга сабаб, мазкур воситалар инпараллел муқобиллар сифатида “the level of happyness” (“бахт(лилик) даражаси”) ҳамда “the level of unhappyness” (“бахтсизлик) даражаси”) лексик-семантик ҳамда грамматик маъноларини юзага чиқаради: *He/She is so happy/unhappy; He/She is really happy/unhappy; He/She is extremely happy/ unhappy; He/She is a little bit happy/unhappy; He/She is quite happy/unhappy; He/She is very happy/unhappy; He/She is absolutely happy/unhappy.*

Бу эквивалентларнинг барчаси грамматик жиҳатдан аналитик воситалар, уларнинг воқеланишига сабаб бўлаётган лингвистик имкониятлар эса аналитик усуллар бўлиб, лексик-грамматик инпараллизмни намоён этмоқда. Мазкур инпараллел элементларнинг нисбий даражаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, қуйидаги градуал инпараллел занжир ҳосил бўлади:

Intensification of *happiness/unhappiness*

...a little bit ~ quite ~ really ~ so ~ absolutely ~ extremely...

Neutralization of *happiness/unhappiness*

2.2.1.5-расм. *How happy/unhappy is he/she?* сўроғига жавоб бўла олувчи кўмакчи аналитик бирликлар инпараллел градуал қатори

Инпараллелизм микроградуонимик қатордан макроградуонимик қаторга ўсиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, 1.2.1.1-, 2.1.1-, 2.1.2-, 2.1.3-, 2.1.4-, 2.1.5-, 2.1.6-, 2.1.7-расмларнинг ўзида бирдан ортиқ инпараллел градуал ва ноградуал боғланишларни кўрамиз: инглиз тилидаги аналитик воситалар параллелизми ўзаро зидланиш-жуфтланиш (параллеллашиш)дан ташқари, бир-бирига контраст бўлган луғавий маънолар – “бахт(лилик)-бахтсизлик” семаларини ноградуал (3-илова) ҳамда градуал (1.2.2.4-расм) кўринишларда жойлаштиришга шароит яратмоқда (бу таҳлилларда “ноградуал” тушунчасини юқоридаги таснифларни шарҳлаш мақсадидагина ишлатмоқдамиз, зеро лисоний онгимизда барча тил бирликлари фақат (!) градуал муносабатларда яшашини унутмаслигимиз лозим). Шундай экан, мазкур муносабатлар бир тил (инглиз тили) доирасида турли (ва ҳатто зид) маъноларни рўёбга чиқарувчи **градуонимлар инпараллелизми, инпараллел градуонимлар муносабати** ёхуд **инпараллел градуонимия** сифатида изоҳланиши мумкин.

Албатта, ҳар бир градуонимик қаторда бўлгани каби градуал инпараллел боғланишларда ҳам алоқадорликнинг ўсиши “тескари алоқа” йўналишида бўлади – бирликларнинг

муайян сема ёки вазифа асосида қаторлашиши “... маънонинг кучайиши ва аксинча” тамойили бўйича амалга ошади: “сон маъносини ифодаловчи бирликлар унумдорлик даражасининг ошиши ва аксинча”; “сон маъносини ифодаловчи бирликлар унумдорлик даражасининг камайиши ва аксинча” каби. Бунда даражаланиш қаторининг ва умуман, миқдорий ўзгаришларнинг сифатий ўзгаришларга ўтиши қонунининг инъикоси каби маънонинг кучайиши/ошиши/интенсивлашиши унга зид саналган маъно ёки функциянинг пасайиши/ камайиши/нейтраллашиши ҳисобига бўлади (бу параллел воситаларда унумдорликнинг ошиши камунумдорлик ёки унумсизликнинг камайиши (ва аксинча) ҳисобигадир). Бу эса, даражаланиш муносабатларининг, хусусан, градуал параллел муносабатларнинг яна бир муҳим тамойили – **тил муайян маънони ёки вазифани ифодалашга киришар экан, маълум бир усул ва воситаларни (тил мақсади, шароити, имкониятлари ва вазиятга кўра) нейтраллаштириш эвазига бошқа бир(лар)ини доминантлаш йўлидан бориши** – реаллашаётганидан далолат беради.

2.2.2. Градуал интерпараллелизм. Градуал параллелизмнинг яна бир тури – интерпараллелизм билан боғлиқ бўлиб, инпараллелизмдан фарқли ўлароқ, турли тиллар тизимида ифодаланади.

Лисоний даражаланиш ҳодисаси объектив воқеликда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкор, қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва кураши қонунларининг инъикоси сифатида тил тизимидан, унинг фонетик, лексик, грамматик (морфологик ва синтактик) ва стилистик сатҳлари тизимидан ўрин олган экан, улар турли

тиллар тизимида ҳам интеграл реализацияни намойиш этади ва, табиийки, бу жараён интерпараллел градуонимия усулида амалга ошади.


Интерпараллел градуал муносабатлар ўзаро қариндош ва/ёки ноқариндош тиллар доирасида бирор бир лингвистик маъно, категория, ҳодисани ифодалашдаги ҳамкорлик, эквивалентликни ифодалайди. Албатта, бунда қисман эквивалентлик (параллелизм) ва тўлиқ муқобиллик (параллелизм)ни фарқлаш лозим. Қисман параллелизм тилларда воқеланувчи ҳолатларнинг ё шакли, ё мазмун, ва ёки вазифаларида нотўлиқ ўхшашликни назарда тутса, тўлиқ интерпараллелизм баъзи бир лисоний ҳодисаларнинг тилларнинг шаклий ва/ёки мазмуний, баъзан функционал жиҳатдан айнан такрорланиши, интеграциясини кўзда тутади. Тадқиқотимиз учун ҳар иккала ҳолат ҳам муҳим ҳисобланиб, умумлисоний (умумлингвистик) тамойилларнинг моҳиятини кенгроқ тафҳим этилиши учун хизмат қилиши мумкин.

Ишимизнинг биринчи бобида даражаланиш муносабатларини назарий жиҳатдан ёритиш баробарида интерпараллел ҳолатларга ҳам қисман мисол келтириб бордик, албатта. Бироқ интерпараллелизм ҳодисасини чуқурроқ тушуниш учун градуонимик муносабатларни турли тил сатҳларида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунга асосан кейинги бўлимда ўзбек ва инглиз тиллари доирасида ҳар бир лисоний сатҳ бирликлари орасидаги инпараллел ва интерпараллел градуонимик сиралар устида тўхталамиз.

2.3. Лисоний сатҳларда параллел градуонимик муносабатлар

Юқоридаги бўлимда айтилганидек, турли тизимли тилларда параллел (инпараллел ва, айниқса интерпараллел) алоқаларни ўрганиш учун уларни сатҳлараро таҳлил этиш ишимизнинг мақсадига мос келади. Бинобарин, бу орқали биз муайян лисоний маъно ёки категория(лар)ни фарқлаш, ажратиш учун керакли тадқиқ усулларига эга бўла оламиз. Шундай экан, таҳлилни тилнинг структур (фонетик, лексик, грамматик) ва ноструктур (стилистик, паремик каби) сатҳларида давом эттирамиз.


2.3.1. Фонетик сатҳда. Фонетик сатҳда турли-туман градуонимик муносабатларни кузатиш мумкин[75]. Масалан, ўзбек тилида тил ундошлари ҳосил бўлиш ўрнининг бўғиздан лабга томон даражаланиш тамойили асосида тартибланади ва буни қуйидаги чизмада бериш мумкин:



2.3.1.1-расм. Ўзбек тилида тил ундошларининг артикуляция ўрнида даражаланиш

[75]Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Тошкент, 1995. – Б. 57-60.; Махмудов А. Сонорные узбекского языка. – Т.: Фан, 1980. – С. 27.; Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Тошкент Давлат университети нашриёти, 1991. – Б. 27.

Инглиз тилида бу қатор қуйидаги кўриниш касб этиши мумкин:



2.3.1.2-расм. Инглиз тилида тил ундошларининг артикуляция ўрнида даражаланиш

2.3.2. Лексик сатҳда. Лексик сатҳдаги даражаланиш *лексик (маъновий) даражаланиш* ёки *лексик градуонимия* дейилиб, сўзларнинг маъносида ўхшаш бир белгининг миқдори оз-кўплигига кўра қарама-қарши қўйилиши тушунилади. Сўзларнинг маъновий даражаланиши масаласи Ш.Орифжонованинг махсус тадқиқотида батафсил кўриб ўтилган[76]. Масалан:

узб. *нинни → чақалоқ → гўдак → бола → ўсмир → йигит → чол → қария;*

русс. *младенец → сосун → малыш → ребенок → подросток → юноша → ... старец;*


[76]Арипжонова Ш.Ғ. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол.фан.номз. … дисс. – Т., 1996. – 113 б.

нем. *das Neugeborene → der Säugling → das Baby → das Kind → das Mädchen/der Junge → der Mann/die Alte/die Alte → der Greis/die Greisin*;

англ. *infant → baby → child → laddie/little girl → teenager → youth → lad/girl → young man/young woman → old man/old woman…*

қаторида сўзлардаги интерпараллел семантик даражаланишни кузатишимиз мумкин.


Фикримизнинг бевосита давоми сифатида қуйидаги даражаланиш қаторларига мурожаат қилайлик:



Connoisseur ~ clever ~ wise ~ genius...

2.3.2.1-расм. Инглиз тилида “Intelligence” (“Заковат”) семасининг ўсиб боришига кўра лексик даражаланиш қатори

Худди шу занжирни ўзбек тили имкониятларидан фойдаланиб, яратиш ҳам мумкинлиги кўзга ташланади:



ақлли ~ доно ~ оқил ~ даҳо...

2.3.2.2-расм. Ўзбек тилида “Заковат” семасининг ўсиб боришига кўра лексик даражаланиш қатори

Демак, тилларнинг луғавий қатлами ўзининг ранг-баранглиги, бетакрорлиги ва индивидуаллиги билан қанчалик фарқ қилмасин, баъзи бир умумий маъно ва мақсадларни ифодалашда муштараклик (интерпараллелизм)ни намойиш этади.

2.3.3. Морфологик сатҳда. Морфологик тизимда даражаланиш қадимги даврлардан бери сифат даражаларида, сифатларнинг ҳар хил озайтирма/кучайтирма шаклларида ажратилган ва тавсифланган. Хусусан, ҳинд-европа тилларида ҳар хил сўз туркумларида маънонинг лексик/морфологик/ синтактик усулларда даражаланиши муаммоси бўйича Германияда Ҳ.Яхнов бошчилигида махсус гуруҳ ҳам иш олиб борган, бу масалага бағишлаб махсус катта илмий тўплам ҳам нашр эттирган[77]. Ўзбек тили морфологик тизимида даражаланиш масалаларини махсус ўрганган О.Бозоров эса сўз туркумлари тизимида даражаланишнинг жуда кўп кўринишларини санаб ўтади[78]. Шулардан отлардаги эгалик категорияси ва унинг морфологик шакллари билан боғлиқ ҳолатларни текширадиган бўлсак, уларда ҳам турли-туман даражаланиш қаторларини кузатамиз. Жумладан, эгалик морфемалари предметга (умуман эгалик қилинадиган нарсага) эгалик қилиш нуқтаи назаридан узоқлик-яқинлик семасига кўра қаторлашади:

уйим *менга тегишли, мен шахсан эгаман, яқин эгалик*

:

уйинг *сенга тегишли, нисбатан узоқ тегишлилик*

[77]Jachnov H. Kognition, Sprache und phraseologische/parmiologische Graduierung Harrossowitz Verlag. – Wiesbaden, 2005. – 480 p.

[78]Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т., 1995. – Б. 86-87.

:


уйи *уники, узоқ эгалик*

Инглиз тилида эгалик категориясини (possessiveness) бевосита эгалик морфемалари билан ифодалаш ўзбек тилидагидек унумли ривожланмаганлигини кузатамиз, яъни эгаликни ифодалаш учун отнинг ўзи (ва унга қўшиладиган морфемалар)гина эмас, эгалик маъносини етакловчи қаратқич олмошлари фаоллашувини кўрамиз: *my house, your house, his/her house…* Гарчанд бу ерда ҳам узоқлик-яқинлик семасига кўра даражаланиш (*my* (менга тегишли, мен шахсан эгаман, яқин эгалик) ~ *your* (сенга тегишли, нисбатан узоқ тегишлилик) ~ *his/her* (уники, узоқ эгалик)ни кузатсак-да, бу ҳали тиллараро интерпараллелизм ҳақида хулоса қилишимиз учун етарли эмас. Аммо бу масалага морфологик шакл ва грамматик усуллар ўртасидаги эмас, балки грамматик категориянинг морфологик сатҳда ифодаланиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, морфологик инпараллел даражаланиш занжирларига эга бўламиз:



2.3.3.1-расм. Ўзбек ва инглиз тилларида эгалик категориясида инпараллел градуонимия

Бундан ташқари, юқоридаги бўлимда таҳлил этилган ўзбек ва инглиз тилларида кўплик грамматик маъносини ифодалашдаги интерпараллелизмни бевосита градуонимик қаторга тизиш имкони ҳам мавжуд. Бунда инпараллел воситалар (шакллар ва усуллар) тилларда унумли ривожланганлик ва айни кундаги унумдорлик (продуктивлик, синхрония) даражасига кўра маълум маънода нисбатланади:



2.3.3.2-расм. Ўзбек ва инглиз тилларида кўплик грамматик маъносини ифодаловчи грамматик усулларда интерпараллел градуонимия

Бундан кўриниб турибдики, градуонимик муносабатлар морфологик тизимда ҳам етарли даражада ўз аксини топади.

2.3.4. Синтактик сатҳда. *Синтактик даражаланиш* ўта абстракт, умумий моҳият касб этишини, шунингдек, инглиз ва ўзбек тиллари грамматик жиҳатдан анча фарқланишини ҳисобга олиб, синтактик сатҳдаги даражаланиш ўзига хос воқеланишини кўриш мумкин. Жумладан, гап бўлакларининг гап қурилишидаги мавқеига кўра:

а) инглиз тилида

Subject ~ Predicate ~ Object ~ Modifier ~ Attribute

б) ўзбек тилида эса

кесим ~ эга ~ тўлдирувчи ~ ҳол ~ аниқловчи

каби қаторлар ажратилади.

Интерпараллелизм ҳодисаси – тиллардаги имконият ва функцияларнинг тўлиқ ва/ёки қисман такрорланишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур икки синтактик градуонимик қаторларнинг ҳар иккала тилда қисман уйғунлашишини кўришишимиз мумкин: бош бўлаклар таркиби ва мавқейига кўра инглиз тили икки таркиблилик (subject, predicate), ўзбек тили эса бир таркиблилик (кесим)ни намоён этса, иккинчи даражали бўлакларнинг тартибланиши жиҳатдан ассимиляцияни ифодалай олади. Демак, ўз-ўзидан, тиллараро қисман интерпараллел конструкциялар ҳам градуал тарзда ривожланиши мумкинлиги аёнлашади.

Юқоридагилардан хулоса қила оламизки, градуонимик муносабатлар синтактик сатҳда ҳам ўз аксини топади[79].

2.3.5. Стилистик сатҳда. Тилшуносликда *услуб*ларнинг кўплаб турлари ва даражалари қайд этилган (чунончи, немис тилшунослари 30 дан ортиқ услуб турларини даражалаб кўрсатади[80]). Стилистик сатҳда градуонимия, энг аввало *вульгар (таҳқир, вульгар, қўпол) ~ сўзлашув ~ нейтрал ~*

[79]Ширинова Н.Дж. Предметность и качество: от синкретности к дискретности. Научная монография. LAP (Lambert Academic Publishing): Saarbrücken, Germany, 2013. ISBN-978-3-659-35163-1. – 93 с.

[80]Ўша ерда. – Б. 32.

китобий ~ поэтик ~ кўтаринки ~ юқори каби услубларнинг даражаланишида намоён бўлади.

Тадқиқотчилар, жумладан, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, С.Ғиёсов, Ш.Орифжонова ва б. синонимик қаторлардаги услубий бўёққа ҳам кўп ҳолларда даражаланиш асосида ёндашадилар[81]. Ҳақиқатан ҳам, *турқ ~ башара ~ бет ~ афт ~ юз ~ чеҳра ~ узор ~ ораз* синонимик қаторига эътибор берсак, бу қатор ижобий/салбий шахсий муносабатнинг ўса бориш/ камая бориш асосида тузилганлигини кўриш қийин эмас. Бу қатордаги лексемаларда аташ ва вазифа семалари бир хил, аммо ифода семалари, яъни турли қўшимча маъноларни (услубий бўёқни, шахсий муносабатни, қўлланиш доирасини) англатувчи қирраларга кўра фарқланиб туради.

Инглиз ва ўзбек тилларида стилистик даражаланиш масаласини махсус тадқиқ этган тилшунос олима Ж.Джумабаеванинг ҳақли таъкидлашича: *“Стилистик даражаланиш яна бир жиҳати билан фарқланадики, ушбу қаторга кирувчи лексемалар нафақат бўёқдор, балки улар шевага хос, окказионал, кўчма маъноли ва контекстуал маъноси ўзгарувчан эпитет, метафора, синекдоха каби фигуралар ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабли стилистик градуонимия чексиз ҳисобланади. Шоирлар, ёзувчилар ўзларининг сўз бойликларини ишга солиб, шеър ёки асарларида кўплаб бўёқдор сўзларни ишлатишлари мумкин. Ушбу ишлатилган сўзлар эса луғавий градуонимик қатордан жой олган бирор-бир сўз маъносининг ижобий ёки салбий бўёқдорлигини ошириб беради. Стилистик градуонимия яна шуниси билан характерлики, уларни жойлаштиришда*

[81]Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., 1995. – 128 б.

нисбийлик жуда юқори бўлади. Бунга асосий сабаб – ушбу бўёқдорликка бой сўзларнинг бир-биридан устунлиги ёки пастлигини аниқлаш, уларга аниқ даража белгилаш мумкин эмас[82]".

Мазкур ишда келтирилган бой маълумотлар асосида интерпараллел синтактик градуонимик муносабатларни ажратишга ҳаракат қиламиз. Масалан, инглиз тилида "кичик" белгиси асосида фарқланувчи градуонимлар қатори қуйидаги кўринишга эга: *diminutive→tiny→small→petit...*

Ушбу қаторни салбийликдан ижобийлик томон бўёқдорликнинг ошишига кўра стилистик градуонимик қатор деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбек тилида ҳам аналогик ҳолатни ўрганишга ҳаракат қилиш мумкин (гарчи шу пайтгача яратилган "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати" (А.Ҳожиев)да бу сўзнинг синонимлари келтирилмаган бўлса-да): *каталак→митти→майда→кичик→чоқ...*

Ҳар иккала тилдаги интерпараллел стилистик градуонимик қаторни эса қуйидагича ифодалаймиз:

салбийликдан ижобийликка

diminutive→tiny→small→petit...

каталак→митти→майда→кичик→чоқ...

ижобийликдан салбийликка

2.3.5.1-расм. "Кичик" белгиси асосида интерпараллел стилистик даражаланиш

[82]Жумабаева Ж.Ш. Ўша асар. – Б. 114.

Шунинг учун бемалол хулоса қилиб айта оламизки, даражаланиш услубият тизимида ҳам ўз аксини топади.

2.3.6. Паремик даражаланиш. Градуонимия тилнинг турғун хусусиятга эга мураккаб бирликларига ҳам хослиги тўғрисидаги қараш фразеологиядаги даражаланиш хусусида олиб борилган бир неча илмий ишларда ўрганилган. Паремиология соҳасининг тадқиқ манбаи бўлган яна бир турғун бирлик мақоллар сирасида ҳам градуонимик муносабатлар мавжудлиги махсус тадқиқ этилган[83]. Буни инглиз тилидаги:

Politeness costs little, but yields much.

He who begins many things, finishes but few.

Marriage halves our grieves, doubles our joys, and quadruples our expenses.

ҳамда ўзбек тилидаги:

Кун ғамини саҳар е,

Йил ғамини баҳор е.

Обрў мисқоллаб келар,

Қадоқлаб кетар.

Бир келин олдим, ўтирдим,

Икки келин олдим, тик турдим,

Уч келин олдим, югурдим.

каби градуоним компонентли паремик бирликлар орасидаги маъновий даражаланиш муносабатлари орқали аниқ сезиш мумкин. Бундан ҳар иккала тилда градуоним компонентли мақолларнинг ишлатилиши нуқтаи назаридан интерпараллелизм мавжудлиги ҳақида хулоса қилса бўлади.

[83]Abdullayeva N. Dictionary of English and Uzbek national proverbs containing graduonims. – T.: “Nurafshon business”, 2019. – 440 p.; Абдуллаева Н.Э. Инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятлари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер.автореф. – Т., 2019. – 62 б.

2.4. Лисоний маъноларнинг турли тиллар тизимида ифодаланишида интерпараллел градуонимик муносабатлар (предметлик ва белги-хусусият маънолари мисолида)

Даражаланиш масаласининг фанимизда ўрганилганлик даражаси билан қисман танишиб ўтгач, лисоний маъноларнинг турли тиллар тизимида ифодаланишида интерпараллел градуонимик муносабатларни таҳлил этиш мумкинлиги аёнлашади. Шу мақсадда биз турли тизимли тилларда лисоний сатҳлараро кенг ёйилган, аммо ҳануз интерпараллелизм жиҳатдан аниқроқ ечимини топмаган – предметлик ва белги-хусусият маънолари, уларни турли тизимли тиллар – инглиз ва ўзбек тилларида фарқлаш воситалари, уларда даражаланиш усул ва воситалари тадқиқига киришмоқчимиз. Бунинг учун, аввалambор, предметлик ва белги-хусусият маъноларининг қисқача изоҳи билан танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Предметлик (субстанция, нарса, мавжудот, Зот) ҳамда белги-хусусият (акциденция, атрибут, белги, сифат, хусусият, ораз) хусусида файласуфларнинг якдилона қарашлари шундан иборатки, **борликдаги мавжудот (субстанция) белги-хусусиятлар, сифатлар мажмуасидир.** Борликда предметлик ва белги-хусусият бир-биридан ажралмаган, биргаликда яшайди ва бир-бирини қатъий тақозо қилади. Айни бир мавжудот хилма-хил белги-хусусиятлар (сифатлар)нинг мажмуаси бўлганлиги каби айни бир белги-хусусият бир неча, хилма-хил моддийликларда мавжуд бўлиши мумкин. Шунинг

учун **сифат (белги-хусусият) деганда турли хил мавжудотларнинг умумий томони тушунилади**[84].

Онг ва тафаккур борлиқда предметлик ва белги-хусусиятнинг бирлиги, предметликнинг белгилар мажмуаси эканлиги, белги-хусусиятнинг предметнинг бир томони эканлиги, бир предметликнинг иккинчи предметликдан белги-хусусиятлари (сифатлари) билан фарқланишини акс эттирган ҳолда бу инъикосга фаол ёндашади. У белги-хусусиятни предметликдан, предметликни белги-хусусиятлардан ажратган ҳолда идрокий умумлашмалар яратади (4-илова). Борлиқда, масалан, *кўк* ранг борми? Йўқ, балки фақат кўк рангли нарсалар, мавжудотлар бор, холос. Ёки аксинча. Борлиқда жинссиз одам борми? Йўқ. Тафаккур, масалан, рангни (resp. сифатни) бу ранг мужассамлашган нарсалардан ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида тушунчалар, воқеликлар сифатида шакллантиради. Чунончи, *қизил* ранг тушунчасини предметликдан узилган ҳолда ифодаласа, *олма* тушунчаси белги-хусусиятлардан ажратилган предмет, нарса сифатида англашилади.

Тафаккурнинг бунёдкорлик хусусияти нафақат сифатларни, белги-хусусиятларни предметликдан ва предметликни белги-хусусиятлардан ажратган ҳолда тафҳим этиши билан, балки алоҳида ажратилган белгиларни предметликлар билан бириктириб, борлиқда йўқ нарсаларни ҳам ярата олишида намоён бўлади. Масалан, *monster, witch* каби афсонавий мавжудотлар ҳам тафаккурнинг фаол бунёдкорлиги маҳсулидир[85].

---

[84]Ширинова Н.Д. Лисоний сатҳларда градуонимик муносабатлар. Илмий монография. – Т.: Turon Zamin Ziyo, 2016. – Б. 15.

[85]Compact Oxford Dictionary & Thesaurus. – Oxford University Press, 2006. – 452 p.

Объектив борлиқни фаол акс эттирувчи тафаккур синкретларни дискретлаштириш ва, аксинча, дискретларни синкретлаштириш каби фаоллик қобилиятига эга бўлса, тафаккурнинг моддий шакли бўлган тил ҳам юксак фаолликка эга. У тафаккурнинг оддий қобиғи, қутиси, шакллантирувчиси эмас, балки ўзига хос мустақил система, тафаккур уруғлари учун унумдор, серҳосил зироатгоҳдир – тафаккур берувчи уруғларни ўз қонун-қоидалари асосида парвариш қилиб етиштиради ва бой ҳосил беради. Тафаккур ажратган предметликлар ва белги-хусусиятларни тил ўзича ифодалайди ва маълум бир системаларга солади, ўзига хос қонуниятларга бўйсундиради. Чунончи, тафаккур субстанция, предметлик, мавжудот вакилларини *apple, dress, human* каби белгию сифатлардан соқит қилинган борлиқ бирликлари сифатида таснифласа, шуларга ўхшатиб *дев, пари* каби тушунчаларни ҳосил қилса, тил уларни от сўз туркумининг хусусиятларидан бирига айлантирган ҳолда тафаккур предметликдан ажратиб олиб умумлаштирган *red, sweet, high, long, two (dual)* каби белги-хусусиятлардан *redness, sweetness, height, length, duality* каби предметлаштирилган, мавжудотлаштирилган ўзига хос бир воқелик, тушунча сифатида бизга етказади[86]. Тафаккурда ажратилган белги-хусусиятнинг сифатий ва миқдорий, барқарор ва ўзгарувчан, ўхшаш ва фарқли каби турлари тилда аслий ва нисбий сифатлар, феъл ва унинг сифатдош, равишдош шакллари, олмошлар, равишлар сифатида шакллантирилади, гуруҳлаштирилади. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири учун ўзига хос сўз ясаш воситалари, синтактик вазифалар биркитилган. Бунда тилнинг ўзига хос

[86]Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge University Press, 1986. – Б. 43.; Murphy M.L. Semantic relations and lexicon. //CUP. 2003. Synonymy. ELL. – P. 376-378.

бунёдкорлик қобилияти ўз аксини топади. Тафаккурнинг инъикоси бўлган тил инсонга оламнинг лисоний манзарасини ҳосил қилдиради[87].


Тилнинг фаол бунёдкорлиги ҳамда борлиқ – онг ва тафаккур инъикосини ўзига хос система сифатида акс эттиришига қарамай, борлиқда предметлик ва белги-хусусият синкретизми тилда ўз аксини топмасдан қолмайди; лисоний тизимда предметликни алоҳида, белги-хусусиятларни турларга ажратиб алоҳида-алоҳида кўрсатиш ва ифодалаш воситалари билан бирга предметлик маънолари/Substance Meanings (узб.ПМ/инглSM)да белги-хусусият маънолари/Attributive Meanings (узб.БХМ/инглАМ)ни кучайтирувчи ва аксинча, БХМ/АМда ПМ/SMни кучайтирувчи, ПМ/SM ва БХМ/АМни нейтраллаштирувчи, бирлаштирувчи усул ва воситалар мавжуд. Мана шуларни ажратиш ва тавсифлаш танлаган мавзуимизнинг долзарблигини яна бир карра исботловчи омиллардан биридир – ПМ/SM ва БХМ/АМни фарқлаш, дискретлаштириш ва синкретлаштириш қобилияти лисоний бирликларда ҳар хил – даражаланган кўринишларда намоён бўлади. Чунончи, объектив борлиқда синкрет, қоришиқ, инсоний тафаккур ва тилда дискрет кўринишда реаллашадиган предметлик (substance) ҳамда белги-хусусият (attribute)нинг тил тизимидаги фонетик, лексик-семантик ва грамматик яруслари ҳамда улар билан боғланиб кетадиган фраземик, паремик каби оралиқ сатҳларда градуал тарзда фарқланиши, мазкур фарқланиш жараёнида ўзига хос микро- ва макромайдонларни ҳосил қилиши кузатилади. Бу нафақат

[87]Ширинова Н.Дж. Предметность и качество: от синкретности к дискретности. Научная монография. LAP (Lambert Academic Publishing): Saarbrücken, Germany, 2013. ISBN-978-3-659-35163-1. – С. 34.

ўзаро қардош тиллар тизимида, балки инглиз ва ўзбек тиллари каби турли тизимли тиллар доирасида ҳам яққол кўзга ташланади. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатларни акс эттирувчи қаторлар мисолида фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз. Айтиб ўтилганидек, бундай воситалар тил қурилишининг уч сатҳи ва сўз туркумлари таснифининг уч асосий белгисига мувофиқ равишда уч турга бўлинади:


1. **ПМ ва БХМни фарқлашда лексик-семантик даражаланиш.**
2. **ПМ ва БХМни фарқлашда морфологик даражаланиш.**
3. **ПМ ва БХМни фарқлашда синтактик даражаланиш.**

2.4.1. Лексик-семантик градуонимик муносабатлар. Лексик-семантик усул билан «туркум маъноси» асосида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш тамойилига кўра юқорида санаб ўтилган сўз туркумларини қуйидаги даражаланиш қаторига жойлаштириш мумкин:



2.4.1.1-расм. Ўзбек тилида ПМ ва БХМнинг лексик-семантик усул асосида инпараллел фарқланиши

Мазкур муносабатларнинг инглиз тили лексик-семантик имкониятлари асосида воқеланишини кузатадиган бўлсак, қуйидаги даражаланиш сирасига эга бўламиз:



2.4.1.2-расм. Инглиз тилида SM ва AMнинг лексик-семантик усул асосида инпараллел фарқланиши

1. Инпараллел градуонимик қатор бошида предметлик ва белги-хусусият маънолари контекстуал, нутқий қўлланилиш шароитида фарқланадиган, ўзининг зотий маъносида улар синкретик, диффуз бўлган тақлидлар туради.
2. Сира охирида динамик, ўзгарувчан белги-хусусиятни «ҳаракат-ҳолат» сифатида тақдим этувчи феъллар жойлашади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инглиз ва ўзбек тилларида сўзларнинг туркум маънолари асосида ўзаро семантик зидланиши пировард оқибатда морфологик зидланиш билан тўқнашадиган, кесишадиган интерпараллел даражаланиш занжири моҳиятига эга. Бу қаторда борлиқда бир-биридан ажралмас бўлган субстанция (предметлик) ва

акциденция (белги-хусусият) бирлигининг тафаккур ҳамда тилнинг бунёдкорлик руҳи таъсирида, миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунияти заминида диффуз/синкрет ифодадан кескин семантик-формал фарқланишгача бўлган турли босқичларни кўриш мумкин.

2.4.2. Морфологик градуонимик муносабатлар. Предметлик ва белги-хусусият маъноларининг морфологик усул асосида фарқланиши сўзларнинг туркумларга ажратилиши ва ҳар бир туркум учун ўзига хос морфологик шакллар ҳамда категориялар мавжудлиги билан ўзаро боғлиқ. Жуда кўп ҳолларда бу таснифловчи шакллар семантик жиҳатдан ўзларига мувофиқ бўлган сўзлар билан бирикиб келади.

Чунончи, тилда таснифловчи морфологик шакллар мавқеида бўлган:

а) сон (категорияси) – предметлик;

б) даража – статик белги-хусусият;

в) -нчи – миқдорий белги;

г) нисбат – динамик белги

маъноларини ифодалашга ихтисослашган шакллардир. Буни қуйидаги градуонимик қаторда умумлаштириш мумкин:


БХМнинг кучайиши

Отларда сон ~ Сифатларда даража ~ Тартиб шакли ~ Нисбат

ПМнинг кучайиши

2.4.2.1-расм. Ўзбек тили морфологик воситаларининг ПМ ва БХМни фарқлаш инпараллел градуонимик қатори

Бунда *сон* ҳамда *даража*, *тартиб* шакли ҳамда феъллардаги *нисбат* ёки *даража* ҳамда *-нчи* – ПМ ва БХМни фарқлашдаги ўзаро даражаланувчи **микромайдон** хусусиятига эга бўлса, отларда сон ~ феълларда нисбат алоқадорлиги градуонимик **макромайдон** кўринишини олади. Инглиз тилида ПМ ва БХМни фарқлашнинг морфологик қатори ўзбек тилидагидан бирмунча фарқ қилишини кузатамиз (бу юқорида айтилганидек, инглиз тили грамматик тизимининг ўзига хослиги билан характерланади):



2.4.2.2-расм. Инглиз тили морфологик воситаларининг SM ва АМни фарқлаш иннараллел градуонимик қатори

Бунда қатор SMнинг пасайиши эвазига АМнинг кучайиши (ва аксинча) даражаланиш сирасининг бошида инглиз тилида отлик кўрсаткичи бўлган ва SMнинг кучли намояндаси сифатида юзага чиқадиган *артикллар* жой олса, қатор сўнгида белгининг кучли кўриниши – динамик белгини ифодаловчи феъллик шакли *to* юкламаси жой олади. АМнинг турли кўринишлари – миқдорий белги (CN – Category of Number), сифатий белги (CDC – Category of Degrees, S – Statives), тартиб шакли (ON – Ordinal Numerals) ҳамда феълдаги нисбат шакли (CV – Category of Voice) **A ~ P/to зидланиши** (отлик кўрсаткичи-феъллик шакли оппозицияси) оралиғида жойлашади. Бунда артикль ҳамда отлардаги сон ёки ҳатто сифатлардаги даража ва ҳ.к. – ўзаро даражаланувчи

микромайдонни, A ~ P/to градуал қатори эса SM ва АМни ифодалашнинг макромайдонини акс эттириши кузатилмоқда. Демак, инглиз ва ўзбек тилларида субстантив ва аттрибутив маънолар морфологик тизимда барча етакчи шакл ва категориялар ичра ифодаланибгина қолмай, ўзига хос интерпараллел градуал алоқадорлик касб этадиган микро- ва макромайдонлар шаклида воқеланиши ҳар иккала тил мисолида далилланмоқда.

2.4.3. Синтактик градуонимик муносабатлар. Гапнинг асосий хусусияти таркибий (структур) бўлакларга ажралиши бўлганлиги боис предметлик ва белги-хусусият маъноларини ифодалаш гап бўлакларининг маъновий хусусиятлари билан узвий боғлангандир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлашнинг энг асосий лексик-семантик усули (сўз туркумлари ва уларнинг «туркум маъноси»), тил тарихчиларининг якдилона фикрига кўра, тарихан гап бўлакларидан ривожланган. Тилшуносликнинг минг йиллик тарихи давомида сўз туркумининг гап бўлакларидан ривожланганлиги, гап бўлагига хос морфологик категорияни «ўзиники» қилиб олиши асосида шаклланганлиги масаласи И.И.Мещаниновнинг машҳур, дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган «Члены предложения и части речи» (қайта нашри: – Л.: Наука, 1978) асарида атрофлича муҳокама этилган эди. Бу асарда:

а) сўзларнинг гапда эга ва тўлдирувчи мавқеида қўлланилиб, бунда ўзига хос шаклларни (жумладан, сон, келишик) қабул қилиши ва бора-бора бу шаклни «ўзиники» қилиб олиши асосида от сўз туркумининг;

б) аниқловчи, ҳол мавқеида қўлланилиши асосида сифатлар ва равишларнинг (предметликнинг белгиси ёки ҳаракат-

ҳолатнинг белгисини ифодалашга ихтисослашган алоҳида сўзлар туркумининг);

в) кесим мавқеида қўлланиши орқали феълларнинг шаклланиши очиб берилган эди. Шунинг учун тил тарихчилари предметлик ва белги-хусусият, белги-хусусиятнинг турли кўринишлари (сифатий, миқдорий, статик, динамик кабилар)нинг фарқланиши ва туркумлараро ихтисослашиши *синтактик воситалар – гап бўлаклари* билан алоқадор эканлигини комил ишонч билан таъкидлайдилар[88].

Юқорида айтилганлар асосида ўзбек тилида ПМ ва БХМнинг гап қурилишида фарқланишини қуйидаги занжир (2.4.3.1-расм)да кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

БХМнинг кучайиши


Эга ~ Тўлдирувчи ~ Аниқловчи ~ Ҳол ~ Кесим

ПМнинг кучайиши

2.4.3.1-расм. Ўзбек тилида ПМ ва БХМнинг гап қурилишида фарқланиши

Диққатга молик жиҳати шундаки, инглиз тилида SM ва АМни синтактик усулда, хусусан, гап қурилишида фарқлаш градуонимик йўналиши 2.4.3.1-расмда ҳавола қилинган синтактик градуонимик қатордан деярли фарқланмайди:

[88]Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., 1995. – 128 б.; Ширинова Н.Д. Лисоний сатҳларда градуонимик муносабатлар. Илмий монография. – Т.: Turon Zamin Ziyo, 2016. – 123 б.; Ширинова Н.Дж. Предметность и качество: от синкретности к дискретности. Научная монография. LAP (Lambert Academic Publishing): Saarbrücken, Germany, 2013. ISBN-978-3-659-35163-1. – 93 с.



2.4.3.2-расм. SM ва АМнинг гап қурилишида фарқланиши (инглиз тили мисолида)

Кўриниб турибдики, мазкур қатор компонентларининг ўзаро жойлашуви инглиз тилида гап бўлакларининг гап қурилишидаги мавқеи бўйича синтактик даражаланиш қатори (2.3.4-бўлимга қаранг)да жойлашган позицияларидан фарқ қилса-да, АМ ва SMни фарқлаш морфологик сираси (2.4.2.2-расм)га жуда яқин ва ҳатто, унинг умумлашган кўринишдаги давомидир.

Умумий қилиб айтганда, предметлик маъносининг заифлаша бориб, белги-хусусият маъносининг кучайиб боришини акс эттирувчи бу синтактик градуонимик қаторларнинг барчаси лисоний бирликларнинг лексик-семантик, морфологик каби зидланишли градуонимик сиралари (2.4.1.1-, 2.4.1.2-, 2.4.2.1-, 2.4.2.2-чизмалар)га яқинлашади ва айтиш мумкинки, уни – энди синтактик сатҳда – такрорлайди, мустаҳкамлайди. Бу эса, таҳлилга тортилган ҳар иккала тилда предметлик ва белги-хусусият маъноларини интерпараллел градуал фарқлашда синтактик тизимнинг абстракт, умумлашган характер касб этишини ифодалайди.

Хулоса

Илмий атама ва ҳодиса, шунингдек, лингвистик тадқиқ усули сифатида ўзбек олимларининг изланишлари орқали тез орада жаҳон тилшунослигига ҳам кириб борган, умумдиалектик миқдор ва сифат категорияларининг ҳамда уч асосий қонун – *миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва аксинча*, *инкорни инкор* ҳамда *қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши* қонунларининг тилдаги инъикоси бўлган, *объектив борлиқ – инсоний онг – инсоний тил* парадигматик муносабатларининг бевосита реал кўриниши бўлган – **лингвистик градуонимия ёки лисоний даражаланиш**нинг тиллар тизимидаги тадқиқи тил ҳақидаги фанда мавжуд қатор ечимталаб муаммоларнинг ечимига йўл очмоқда.

Мазкур монографияда, аввалambор, фанимизда лисоний бирликлараро муносабатнинг ўзига хос алоҳида бир тури сифатида ривожлантирилаётган градуонимик муносабатлар – лисоний бирликларнинг умумий бир белгининг ошиб/камайиб бориши, белгининг миқдори/даражаси асосида зидланишлари – тиллар тизимида турлича кўринишларга эга эканлиги, тилшунослар уни ўзига хос ҳодиса деб ўрганишга ҳаракат қилишгани ва бу яхлит градуонимик тадқиқотларнинг такомиллашувига хизмат қилгани ҳақидаги фикрлар асосида градуонимик муносабатларнинг, хусусан, синонимия ва антонимия билан зич алоқадорлиги масаласига чуқурроқ қаралди. Натижада **градуонимик қатор – ўз моҳиятига кўра синонимик ва антонимик муносабатларни мужассамлаштирадиган, умумлаштирадиган ва ривожлантирадиган боғланиш** эканлиги асослантирилган.

Шунингдек, лингвистик градуонимияга хос бўлган **даражаланиш қаторининг очиқлиги** тамойили ҳам турли тизимли тиллардаги сатҳлараро мисолларда ўз аксини топди; бу, албатта, тилнинг ҳамиша ўзгариш/янгиланиш/алмашишда эканлиги ҳамда иқтисодийлик/тежамкорликка интилиши билан боғлиқ.

Градуонимик қатор аъзолари ўз табиатига кўра **нисбийлик** (ўзгарувчанлик, окказионаллик, баъзан индивидуалллик)ни намоён этади, зеро исталган градуал сира индивидуал ҳамда стилистик танлов асосида тузилади, шу муносабат билан индивидуал лисоний онгда яшай бошлайди.

Даражаланиш муносабатлари – **бир белгининг кучайиши бошқа бир белги(хусусият)нинг пасайиши** ҳисобига ўрнатилиши (тескари алоқа) шубҳасиз. Бу эса, тилнинг мантиқий операциялар маҳсули сифатида нутқий самарадорликка ва ихчам коммуникацияга амал қилиши билан изоҳланади. Худди шундай омиллар, тилнинг амалий аҳамиятини оширади, градуонимик муносабатлар тадқиқи йўналишида прагматик изланишларни амалга оширишга йўл очади.

Монографик тадқиқотдаги асосий янгиликлардан бири – градуонимик боғланишларнинг нафақат бир, балки бир неча тиллар доирасида ҳам параллел алоқаларга киришган ҳолда намоён бўлиши, тилларни чоғиштириш орқали аниқланадиган дифференциал жиҳатлар билан бир вақтда ўзаро интеграл томонлар, эквивалент (муқобил) боғланишлар, ассимиляцион ва синтетик алоқадорликлар ҳам юзага чиқиши мумкинлиги ўз тасдиғини топди. Бинобарин, бу орқали **тилларнинг ўзаро ҳамкорлиги, интеграцияси, умуминсоний ва умумлисоний**

алоқалар мавжудлиги ҳақида хулоса қилишга етарлича асос бўла олади.

Бир ёки бир неча тилли типологик таҳлилларда ҳали лингвистик тадқиқотларда оммалашиб улгурмаган **лисоний параллелизм** ҳодисасининг намоён бўлишини аниқлаш, ўрганиш ва шарҳлаш орқали эквивалент муносабатларда – бир маъно/вазифа/мақсадни амалга оширишда бирдан ортиқ ҳамкор лисоний унсурларнинг иштирок этиши; мазкур шакл, усул ва воситаларнинг сираси тугал (чекланган) характерга эмас, балки очиқ, чекланмаган ва прогрессив хусусиятга эгалиги; муайян параллел бирлик(лар)нинг устуворлашиши/ фаоллашиши/фарқланиши/ажратилиши – бошқа бир (ёки бирдан ортиқ) восита/усулларнинг пасайиши/ нейтраллашиши/чекиниши (ўз ўрнини бўшатиши) эвазига содир бўлиши; лисоний параллелизм ўз моҳиятига кўра нафақат тилнинг юза сатҳ бирликларида, балки лисоний онг уячаларида мавжуд муносабатларнинг ифодаси бўлиб, коммуникант мақсадига кўра ва нутқ вазиятига кўра фаоллашиши каби кўплаб тамойилларнинг инъикосини кўрдик.

Монографик изланишимиз натижасида ўзбек ва инглиз тилларида турли тизимли тилларда градуонимик муносабатлар деярли барча лисоний сатҳларда – фонетик, лексик, грамматик, стилистик ва ҳатто паремик соҳаларда воқеланиши типологик планда намойиш этилди. Муҳими, бу фарқланиш нафақат градуал (градуонимик), балки ўзаро параллел даражаланиш алоқадорликлари сирасида реаллашиши мисоллар асосида далилланди.

Мазкур фарқланишни амалий жиҳатдан исботлаш учун борликда бир-биридан ажралмаган (синкрет, диффуз) тарзда

мавжуд бўлиб, бири иккинчиси орқали изоҳланадиган предметлик ва белги-хусусият маънолари танланди: бу лисоний маънолар инсоннинг ижодкор тафаккури томонидан бир-биридан ажратилади, бунёдкор тил эса бу ажралишни ўзига хос лисоний мустақиллик ва алоҳидалик сифатида шакллантиради, ҳар бирининг ифодаси учун ўзига хос лексик, морфологик ва синтактик усулларни ривожлантиради, уларни маълум микросистемалар (парадигмалар)га бирлаштиради. Ишда ўзбек ва инглиз тилларида предметлик ва белги-хусусият маъноларини градуал параллел йўналишда фарқлаш механизми намойиш этилди. Бунинг учун ҳам тилнинг структур сатҳлари танланиб, типологик таҳлил амалга оширилди. Мазкур юза сатҳларда субстантив ва атрибутив маъноларнинг фарқланиши қанчалик фарқли бўлмасин, ўзаро интеграл жиҳатларни – параллелизмни ҳам намойиш этиши инпараллел ва интерпараллел градуонимик занжирлар мисолида асосланди.

Бундан ташқари, градуонимик сираларда градуонимлар микро- ва макромайдонлар кўринишида яшаши ва ривожланиши далилланди: ўзаро яқин позицияларда жойлашган градуонимик аъзолар **микромайдон**дан, занжирнинг марказий қисмидан (тобора) қутбларигача узоқликда тадрижий ўсиб борувчи аъзолар эса **макромайдон**дан ўрин олади.

Юқорида айтилган аналитик ўрганишлар орқали иш олдига қўйилган фараз – градуонимик муносабатлар нафақат тилнинг юза сатҳларида, балки тилнинг ички лисоний механизмида, оламнинг лисоний манзарасини, борлиқ ҳодисаларининг лисоний таснифини бериш ва хусусан, предметлик ва белги-

хусусият маъноларини фарқлаш жараёнида ҳам воқеланиши (қаранг: 11-б.) масаласи – тўлиқ ўз ечимини топди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, моҳиятан мантиқий категориялар бўлган предметлик ва белги-хусусият маъноларининг инглиз ва ўзбек тилларида фарқланиш механизмининг тадқиқи – мазкур тилларнинг фонетик, лексик ва грамматик сатҳлари бирликлари орасида воқеланадиган градуонимик муносабатлар лисоний онг, оламнинг ўзбекона ёки инглизча лисоний манзарасини беришда ҳам ёрқин намоён бўлишини тасдиқлайди. Инглиз ва ўзбек тилларида мустақил сўз туркумларининг ўзи, таснифловчи ва функционал грамматик категориялари ва ҳатто гап бўлаклари бир хусусиятни ифодалашда айни бир тамойилга таянса, демак, бу тамойил лисоний онгга, тилнинг барча сатҳ бирликларига тегишли семантик-функционал хусусиятларни белгиловчи умумий босқичга ҳам хосдир. **Тамойил лисоний онгга хос бўлгандагина – у лисоний тизимнинг барча бўғинлари ва бирликлари хусусиятида ўз инъикосини топади.** Мана шу каби тамойилларнинг аниқ англаниши нафақат хусусий, балки умумий ва чоғиштирма тилшуносликда вужудга келаётган баъзи муаммоларнинг, хусусан, лисоний бирликларда предметлик ва белги-хусусият маънолари фарқланишининг градуал муносабатларда турганлигини ҳисобга олмаслик натижасида уларни сирасидан узиб, талқину таҳлил этиш оқибатида юзага келаётган кўплаб мунозарали ҳолатларнинг ечимига айланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: O‘zbekiston, 2017.
2. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – T.: O‘zbekiston, 2017.
3. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017.
4. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – T.: O‘zbekiston, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
6. Абдуллаева Н.Э. Инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятлари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер.автореф. – Т., 2019. – 62 б.
7. Апресян Ю.Д., Ботякова В.В., Латышева Т.Э. и др. Англо-русский синонимический словарь. – М., 2000. – 544 с.
8. Арипжонова Ш.Ғ. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол.фан.номз. … дисс. – Т., 1996. – 113 б.
9. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – С. 112, 369.
10. Балли Ш. Французская стилистика./перевод с французского К.А.Долинина. под.ред. Е.Г.Эткинда. – М.: 1961. – 202 б.
11. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем

лексикология тезислари)//Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1989. – №6 – Б. 35-40.
12. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Т., 1995. – 131 б.
13. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол.ф.д. ... дисс.автореф. – Т., 1997. – 51 б.
14. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983.
15. Веселовский А.Н. Психологический параллелизм и его формы в отражениях поэтического стиля//Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л., 1940.
16. Гаврилова А.Н. Словарь синонимов и антонимов современного русского языка. – М., 2013.
17. Джусупов Н.М. Лингвистический параллелизм в англоязычном поэтическом тексте: когнитивно-стилистический потенциал и проблема интерпретации//“Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал, № 4 (23)/ 2018. – С.113-119.
18. Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – 404 с.
19. Жуков В.П. Словарь фразеологических синонимов русского языка. – М., 1987.
20. Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2017. – 210 б.
21. Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Т., 1973. – 16 с.
22. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол.фан. д-ри. дисс. автореф. – Т., 1999. – 49 б.

23. Кадысева С.С. Категория интенсивности в системе функционально-семантических, функционально-стилистических категорий//Известия Самарского научного центра Российской академии наук. – Т., 2010. – №5. – С. 196-199.
24. Каргаева Т.А., Мисикова Б.Г., Таучелова Р.И., Цопанова Р.Г. Школьный русско-осетинский словарь синонимов. – Северная Осетия, 2003. – 164 с.
25. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – 112 с.
26. Киреева Г.В. Междометие как показатель градуальности в современном русском языке: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – М., 2010. – 20 с.
27. Колесникова С.М. Семантика градуальности и способы ее выражения в современном русском языке. – М., 1998. – 180 с.
28. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. – М.: Прогресс, 1978. – 540 с.
29. Матвеева Т.В. Лексическая экспрессивность в языке. – Свердловск, 1986. – 92 с.
30. Минский М. Сообщество разума. – М.: АСТ, 2018. – Б.57.
31. Назарова И.В. Роль наречий-градуаторов в английском языке.//Вопросы современной науки и практики. – №1(11) – 2008. – 205 с.
32. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., 1995. – 127 б.
33. Неъматов Ҳ. Градуонимия ёхуд Шайх Кароматулла Бухорий каромати // «Бухоронома» газетаси. – Бухоро, 2008 й., 9 январь, – №3.

34. Сафонова С.С. Местоименно-союзные предложения с семантикой интенсивности в языке современной прессы: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Казань, 2002. – 27 с.
35. Сайфуллаева Р.Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Т., 1982. – 23 с.
36. Сиддикова И.А. Синонимия как микросистема языка. Монография. – Т., 2008. – 138 б.
37. Степанов Ю.С. Антонимо-синонимические группы слов. Основы общего языкознания. – М.: Просвещение, 1975. – 270 с.
38. Сущинский И.И. Словарь усилительных словосочетаний русского и немецкого языков. – М., 1997 – С. 384.
39. Тарланов З. Заметки об идиостиле Н.С.Лескова// Южнословенски филолог LXIV 2008 – С. 488.
40. Тихомиров С.А. Гипербола в градуальном аспекте. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – М., 2006. – 27 с.
41. Ушакова О.Д. Синонимы и антонимы: Словарь школьника. – М., 2008. – 96 с.
42. Хайдаров И.М. Особенности действия закона взаимоперехода количественных и качественных изменений в современных условиях: Дисс. ... канд.философ.наук. – Т., 1971. – 174 с.
43. Шейгаль Е.И. Интенсивность как компонент семантики слова в современном английском языке. Дисс. … канд. филол.наук. – М., 1981. – 156 с.
44. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 244 б.
45. Ширинова Н.Д., Ҳамдамова Г. Грамматик маъноларни ифодалашда параллелизм//Адабий тил жонкуяри. Проф.

М.Мирзаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2002. – Б. 76-78.
46. Ширинова Н.Дж. Предметность и качество: от синкретности к дискретности. Научная монография. LAP (Lambert Academic Publishing): Saarbrücken, Germany, 2013. ISBN-978-3-659-35163-1. – 86 с.
47. Ширинова Н.Д. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол.фан.номз. .... дисс. – Т., 2010. – 150 б.
48. Ширинова Н.Д. Лисоний сатҳларда градуонимик муносабатлар. Илмий монография. – Т.: Turon Zamin Ziyo, 2016. – 110 б.
49. Ширинова Н.Д., Ширинова Н.Д. Лисоний параллелизм масаласига доир//“Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences” scientific journal on January, 2023. – P. 256-259.
50. Элмуродова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони): Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Т., 2011. – 25 с.
51. Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Т., 1974. – 26 с.
52. Якобсон Р. Грамматический параллелизм и его русские аспекты//Якобсон Р. Работы по поэтике: Перевод/Сост. и общ. ред. М.Л. Гаспарова. – М.: Прогресс, 1987. – С. 99-132.
53. Якобсон Р. Поэзия грамматики и грамматика поэзии//Семиотика: Антология/Сост. Ю.С.Степанова. Изд. 2-е, испр. и доп. – М., 2001. – С. 525-548.


54. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т., 1974. – 308 б.
55. Abdullayeva N. Dictionary of English and Uzbek national proverbs containing graduonims. – T.: “Nurafshon business”, 2019. – 440 p.
56. Bolinger D. Degree words. – Paris: Lions, 1972. – 324 p.
57. Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge University Press, 1986. – Б. 88.
58. Compact Oxford Dictionary & Thesaurus. – Oxford University Press, 2006. – 452 p.
59. Dictionnaires Le Robert Sejer, Paris. 2008. – 343 p.
60. Edmonds P & Hirst G. Near-synonymy and lexical choice// Computational Linguistics, 2002, MIT Press. № 28 – P. 105-144.
61. Fellbaum C. WordNet: An electronic lexical database. – Cambridge, MA: MIT Press, 1998. – 423 p.
62. In-Seok Yang. On antonymy in English.//Language and linguistics. Volume 19, Scientific Journal. – UK, 1993. – P. 75-100.
63. Jachnov H. Kognition, Sprache und phraseologische/ parmiologische Graduierung Harrossowitz Verlag. – Wiesbaden. 2005. – 480 S.
64. Leech G.N. A Linguistic Guide to English Poetry. – London–New York: Longman, 1969. – 237 p.
65. Leech G., Short M. Style in fiction: a linguistic introduction to English fictional prose. 2nd ed. – London: Longman, Pearson Education, 2007. – 404 p.
66. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. – UK, 2006. – 617 p.

67. Murphy M.L. Semantic relations and lexicon.//CUP. 2003. Synonymy. ELL. – P. 376-378.
68. Shukurov P.M. Parallel sintaktik butunliklar. – Fargona: NDA, 2004.
69. Shukurov R.M. Parallel sintaktik butunliklar: Filol.fan.nomz. ... diss.avtoref. – T., 2004.
70. Toshxujaeva Sh.G'., Abdusamatova N.M. Erkin A'zam asarlarida sintaktik parallelizm//International Conference on Developments in Education Hosted from Saint Petersburg, Russia: https://econferencezone.org Nov, 24th 2022.
71. O'zbek tilining so`zlar darajalanishi o`quv lug`ati (Maktab o'quvchilari uchun). – T.: "Yangi asr avlodi", 2007.
72. Webster's New Dictionary of Synonyms. – Massachusets, 1984.
73. https://dictionary.cambridge.org/ru
74. https://en.m.wikipedia.org
75. https://ru.wikipedia.org/wiki
76. https://www.textologia.ru/slovari/lingvisticheskie-terminy/parallelizm/?q=486 &n=1248
77. https://www.textologia.ru/slovari/lingvisticheskie-terminy/parallelizm/?q=486 &n=1248
78. https://www.grammar-monster.com/glossary/number.htm

Иловалар

1-илова

Ўзбек тилида ёш семасига кўра даражаланувчи бирликлар градуонимик қатори



2-илова

“Webster`s New Dictionary or Synonyms”да айрим инглизча сўзларнинг синонимик қаторлари


content, contented satisfied (see under SATISFY)
Ana gratified, pleased (see PLEASE): sated, satiated, cloyed, surfeited (see SATIATE): replete (see FULL)
content *vb* * satisfy
Ana gratify, *please: sate, *satiate, surfeit, cloy
Con tantalize, tease (see WORRY): pique, stimulate, ♦provoke, excite

diminutive *adj* little, *small, wee, tiny, minute, miniature
Con *large, big, great: enormous, immense, *huge, vast, colossal, mammoth

genius talent, *gift, faculty, aptitude, knack, bent, turn *Ana* *ability, capacity, capability: originality (see corresponding adjective at NEW): *inspiration, afflatus


3-илова

Инглиз тилида иннараллел градуонимик аналитик воситалар



4-илова

Инсоний тафаккурда ПТ ва БХТнинг ифодаланиши



Ёхуд аксинча:

